

ЯНГИ

ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 51 (1112), 2024 йил 12 март, сешанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz



ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ТАБРИК

Қадри ватандошлар!
Бутун Ер юзидаги ислом уммати билан бирга жонажон Ўзбекистонимизнинг барча мўмин-мусулмонлари ҳам қутлуг ва муборак Рамазон ойини хурсандчилик билан кутиб олдилар.

Дунё мусулмонлари учун энг азиз ва қадри бўлган, барча эзгу ниятлар ижобат бўладиган Рамазон шарифининг кириб келиши билан сиз, азизларни, бутун халқимизни чин юракдан муборакбод этиб, барчангизга ўзимнинг юксак эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этаман.

Авалло, қалбларимизга иймон нуруни бағишлайдиган ушбу улуг айёмни юртимизда ҳукм сураётган тинчлик ва осойишталик муҳитида, оиламиз, эл-юртимиз даврасида кутиб олаётганимиз учун Парвардигори оламга чексиз шукроналар айтаман.

Маънавий покланиш, сабр-қаноат, хайру саховат фазилатлари зиёда бўладиган моҳи Рамазонни миллий анъана ва қадриятларимизга мос, юксак даражада ўтказиш, юртимиз мусулмонларининг ибодат амалларини эмин-эркин адо этишлари учун барча шариоатлар яратилди.

“Инсон қадри — улуг” деган олижаноб тамойилимиздан келиб чиққан ҳолда, мазкур фазилатли ойда халқимиз манфаатларини таъминлаш, ёш авлодимизни билим-маърифат, яхши хулқ-одоб соҳиблари этиб тарбиялаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож кишиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш,

жамиятимиз, эл-юртимиз ўртасида меҳр-оқибат ва ўзаро ҳурмат муҳитини мустаҳкамлаш, муқаддас қадамжо ва зиёратгоҳлар, қабристонларни ободонлаштиришга қаратилган савобли ишларимиз янада зиёда бўлади, деб ишонамиз.

Минг афсуски, бугун дунёнинг бир қанча минтақаларида нотинчлик, қарама-қаршилик ва тўқнашувлар содир бўлмоқда, бегуноҳ инсонларнинг қони тўкилмоқда. Биз бутун халқимиз билан бирга яратган Эгамдан дунёда тинчлик ва осойишталик қарор топишни, гўзал диёримиздаги тинч-осуда ҳаёт бардавом бўлишини чин дилдан сўраб, Қадр кечаларида ихлос билан дуолар қиламиз.

Фурсатдан фойдаланиб, ушбу шуқудли лаҳзаларда дунё мўмин-мусулмонларини, дўст ва ҳамкорларимизни муқаддас Рамазон ойи билан самимий қутлаб, уларнинг давлатлари ва халқларига тинчлик-омонлик, равнақ ва фаровонлик тилаймиз.

Рамазон шариф эл-юртимизга кут-баракат, ҳар бир хонадонга шоду хуррамлик, янги ютуқ ва омадлар олиб келсин!
Рамазон ойи яна бир бор барчамизга муборак бўлсин!

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Рухий покланиш, яхши амалларни адо этиш, жамиятда муруват, меҳр-шафқат ва эзгулик каби қадриятларни қарор топтиришга интилишни ўзида мужассам этган, барча мусулмонлар учун муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев номига хорижий мамлакатлар етакчилари, ҳукуматлар, нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари, таниқли жамоат ва дин арбобларидан қутловлар келмоқда.

Хорижий ҳамкорлар мамлакатимизнинг кўп миллатли халқига тинчлик-осойишталик, фаровонлик ва равнақ тилакларини изҳор этиб, икки томонлама ҳамкорликни янада кенгайтириш ва мустаҳкамлашга тайёрлигини тасдиқлаган.

Жумладан, қуйидагилар ўз табрикларини йўллаган:
Миср Араб Республикаси Президенти **Абдулфаттоҳ ас-Сиси**; Бирлашган Араб Амирликлари Президенти **Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён**;

Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти, Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими **Шайх Муҳаммад бин Рошид Ол Мактум**;

Эрон Ислам Республикаси Президенти **Иброҳим Раисий**; Қирғиз Республикаси Президенти **Садир Жапаров**;

Ўмон Султони **Ҳайсам бин Ториқ Ал Саид**;

Иордания Ҳошимийлар Подшоҳлиги Подшоҳи **Абдулла II**; Бахрайн Подшоҳи **Шайх Ҳамад ибн Исо Ал Халифа**;

Фаластин Давлати Президенти **Маҳмуд Аббос**;

Ислам ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусайн Иброҳим Тоҳа**;

Туркий давлатлар ташкилоти бош котиби **Кубаничбек Омуралиев**;

Иқтисодий ҳамкорлик ташкилоти бош котиби **Ҳусрав Нозирий**;

“Ал-Азҳар” мажмуаси раҳбари **Шайх Аҳмад Ат-Тоййиб**.

Қутловлар келишда давом этмоқда.

Кўп қиррали ҳамкорликни янада кенгайтириш муҳимлиги таъкидланди

Ўзбекистон Республикаси Президенти **Шавкат Мирзиёев 11 март куни Бирлашган Араб Амирликлари Президенти Шайх Муҳаммад бин Зоид Ол Наҳаён билан телефон орқали мулоқот қилди.**

Давлатимиз раҳбари Президент Шайх Муҳаммад Ол Наҳаённи таваллуд куни билан дилдан қутлаб, унга мустаҳкам соғлиқ ва бахт-саодат, фаолиятида катта муваффақиятлар, дўст Амирликлар халқига тинчлик-осойишталик ва равнақ тилади.

Икки мамлакат етакчилари бутун мусулмон олами учун муқаддас бўлган муборак Рамазон ойининг бошлангани билан ҳам бир-бирини самимий табрикладилар.

Ўзбекистон билан БАА ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик бугунги кунда юксак даражага чиққани катта мамнуният билан қайд этилди.

2023 йил якунига қўра, ўзаро савдо ҳажми 20 фоизга ошди. Ўзбекистонда

Амирликлар сармоysi иштирокида 300 дан ортиқ корхона фаолият юритмоқда, қўшма лойиҳалар портфели 4 миллиард доллардан ошди. Бундан ташқари, юқори технологиялар, энергетика, геология, қишлоқ хўжалиги, туризм, IT, инфратузилма, логистика ва бошқа соҳаларда истиқболли лойиҳалар ишлаб чиқилмоқда.

Томонлар амалий ҳамкорликни барча йўналишларда фаоллаштиришга тайёр эканини тасдиқладилар. Бўлажак олий даражадаги учрашувларнинг кун тартибидан пухта тайёрлаш муҳимлиги таъкидланди.

ЎЗА

Инсон қадри учун

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ МЕЗОНИ

Кимки бир кўнгли бузугнинг хотирин шод айлагай, Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Ҳазрат Навоийнинг мазкур шохбайтини кўп такрорлаймиз. Аммо доим ҳам унинг асл моҳиятини теран ҳис этавермаймиз. Айтиш керак, шод бўлган кўнгли соҳибининг тақдири биз тасаввур қила олмайдиган даражада ўзгаради.

Мамлакатимизда инсон қадрини улуглаш, аҳolini ижтимоий қўллаб-қувватлаш борасида олиб борилаётган сиёсат замирида шу каби ҳаётий ҳақиқат мужассам. “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ешлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга онд давлат дастурида ижтимоий ҳимояни янги bosқичга олиб чиқишга қаратилган қатор вазифалар белгилаб берилган. Айни пайтда мазкур йўналишдаги ишлар бошлаб юборилган. Хусусан, маҳаллаларда хатлов ўтказилиб, аҳоли ижтимоий ҳолатига кўра тоифаларга ажратилди. Эндиликда уларнинг тоифаларига қараб, амалий ёрдам бериш чоралари кўрилмақда.

Маълумки, Президентимиз шу йил 20 февраль куни ижтимоий ҳимоя соҳасидаги устувор вазифалар муҳокамаи юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳар бир оила ва инсон тақдирига алоҳида, профессионал ёндашиш лозимлигини таъкидлади.



Йиғилишда ижтимоий хизмат ва ёрдамни маҳалла даражасида ташкил этиш масалалари кўриб чиқилди. Масалан, ижтимоий ҳимоя тизими билан 250 та хизмат қамраб олинган бўлса-да, маҳалладаги аҳоли уларнинг ярмини ҳам билмайди.

Давоми 3-бетда

Шукуҳ

РАМАЗОН ОЙИ ФАЙЗУ БАРАКАЛИ БЎЛСИН!



Бисмиллаҳир роҳманир роҳим.
Хайру саховат, меҳр-оқибат, силан раҳм мавсуми бўлмиш Рамазон ойини ато қилган Аллоҳ таолога ҳамду саноларимиз бўлсин!
Рамазонни чинакам яхшилик ойи сифатида ўтказишда умматга намуна бўлган суюкли пайгамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга саловату саломларимиз бўлсин!

Бутун ислом умматини, хусусан, азиз халқимизни муборак Рамазон ойи кириб келиши муносабати билан самимий муборакбод этамиз. Аллоҳ таоло бу фазилатли айёмни бутун дунё учун тинчлик-осойишталик, фаровон ҳаёт ва иякки дунё саодатига элтувчи ой қилсин!

Аллоҳ таоло Рамазон рўзаси ҳақидаги ояти қаримада бундай марҳамат қилади:
“Эй нймон келтирганлар! Сизлардан аввалгиларга фарз қилинганидек, сизларга ҳам рўза фарз қилинди. Шоякки тақводор бўлсаларингиз” (Бақара сураси, 183-оят).

Давоми 2-бетда

МУЛОҲАЗА

УЙҒОНМАС ЭКАНМИЗ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ЎЗГАЛАР “УЙҒОТАДИ”

ёхуд маънавиятдан йироқлашган қалбларни ёвузлик эгаллайди

Ота-оналари ва оила аъзолари билан кам мулоқот қилиш оқибатида болалар интернетга берилиб кетиб, улар диққатни жамлаш ва фикрлаш кўникмаларида кечикади.

5-бетда ўқинг.

Транспорт инфратузилмаси

ДУНЁДА САНОҚЛИ, МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯГОНА

Тошкент метрополитенининг жамаи хизмат кўрсатувчи станциялари сони 50 тага етди, узунлиги эса 70 километрдан ошди

Кеча эрталабдан Тошкент метрополитенидаги Ер усти ҳалқа йўлининг янги иккита бекати — “Турон” ва “Қипчоқ” йўловчилар учун хизмат кўрсатишни бошлади. Уларда ўтган йил 15 декабрда синов тарихида (йўловчиларсиз) поездлар ҳаракати йўлга қўйилган эди. Орадан қарийб 2,5 ой ўтиб, энди метро бекатлари тўла фаолият кўрсатишга киришди.

Қипчоқ бекати. У Сергели билан Янги-ҳаёт туманларини туташтирган чорражада жойлашган. Йўлнинг бир томони кўп қаватли турар жойлардан иборат бўлса, иккинчи томонида аҳоли хонадонларини ўз ичига олган маҳаллалар жойлашган.

Мазкур бекат ҳам икки қаватли, пастки қисми махсус электр энергияси, алоқа тизими ҳамда ёнгин хавфсизлиги хоналари, шунингдек, тиббиёт пункти, ишчи-ҳодим-

лар хонаси ва чиптахоналардан иборат. Перрон иккинчи қаватда бўлиб, умумий узунлиги юз метрдан ошади. Уни қуришда замонавий ва мустаҳкам, узок муддатга чидамли маҳаллий ашёлардан, том қисмини барпо этишда шаҳар иқлимга мос иссиқ ва совуқдан сақловчи қурилиш махсулотларидан самарали фойдаланилди.

Давоми 4-бетда



Ҳоким Йўлдошев ошган Суратлар.

Шукуҳ

РАМАЗОН ОЙИ ФАЙЗУ БАРАКАЛИ БЎЛСИН!

Шайх Нуриддин ХОЛИҚНАЗАР,
Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий

Бошланиши 1-бетда

Бу ойда ҳар бир мусулмоннинг одобу ахлоқи сайқалланади. Тақвои зиёда бўлади. Бунинг сабабидан жамиятда яхши кайфият, аҳиллик ва бирдамлик ҳукм суради.

Ҳазрат пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу муборак ойни ганимат билишга чорлаб, бундай деганлар: “Сизларга Рамазон ойи келди. У муборак ойдир. Аллоҳ сизларга унинг рўзасини фарз қилди. Унда жаннат эшиклари очилади, дўзах эшиклари ёпилади, шайтонлар кишанланади. Унда минг ойдан яхши кеча бор. Ким унинг яхшиликдан маҳрум бўлса, батаҳқиқ, (барча яхшиликлардан) маҳрум бўлибди”. (Имом Аҳмад ривояти).

Аллоҳ таоло ойлари ичида Рамазонни фазилатли қилди. Бу ойда Қуръон нозил бўлган, рўза тутиш фарз қилинган. Рўза танага ҳам, руҳга ҳам файзу қувват бағишлайди. Ушбу ойда Аллоҳга ҳар қачонгидан-да яқинлашиб, улуг ажру мукофотларга сазовор бўлиш имконияти кўп.

Бу ойда Ер юзининг турли тарафидида мусулмонлар муштарак қараш ва эзгу мақсад билан бирлашади. Шубҳасиз, Қуръон хатми, таровеҳ ва ифторликлар мусулмон-



ларни янада жипшлаштиради, меҳр-оқибат, дину диёнатни шакллантиради.

Имом Табароний Убода ибн Сомит розияллоху анҳудан ривоят қилган ҳадиси шарифда: “Сизларга барака ойи — Рамазон келди. Унда Аллоҳ сизларни беҳужаст қилади, раҳматини нозил қилади, хатоларни ўчиради, дуоларни ижобат қилади”, дея марҳамат қилинади.

Давлатимиз раҳбарининг яқинда эълон қилинган қарориди халқимиз учун эзгулик, бирдамлик, олижаноблик ва шукрона тимсоли бўлган кутлуг Рамазон ойини муносиб кутиб олиш ва юқори савияда ўтказиш, диний-маърифий, маданий қадриятларимизни асраб-авайлаш ҳамда улугулғай бўйича қатор вазифалар белгилангани барча юртдошларимизни беҳад хурсанд қилди.

Аллоҳ таолога шукр, янги Ўзбекистонда барча соҳа қатори диний-маърифий жабҳада ҳам салмоқли ишлар қилинди. Айниқса, масжид-мадрасалар кўпаяётгани, Куръони каримни ўргатиш курслари фаолияти, ҳаж, умра қилувчилар сони ошаётгани ва алломаларга эҳтиром кўрсатилиб, асарлари она тилимизга таржима қилинаётгани барчани мамнун этди.

Мир Араб мадрасасининг 500 йилгига бағишланган анжуман иштирокчилари — таниқли муфтийлар, забардаст уламолар ва олим-профессорлар мамлакатимиздаги тарихий ўзгаришларни юқори баҳолади. Юртимиз уламоларининг нуфузли исломий ташкилотларга аъзо бўлиши диний-маърифий ислохотларнинг мусулмон дунёси томонидан юксак эътироф этилиши бўлди. Буларнинг барчаси мамлакатимизда вивжон ва эътиқод эркинлигини таъминлаш, диний-маънавий, илмий-маърифий, умуминсоний қадриятларни эъзозлаш йўлидаги саъй-ҳаракатларнинг ёрқин ифодасидир.

Рамазон ойида меҳр-оқибат янада зиёда бўлади. Шу сабабли халқимиз бу ойнинг баракасидан ҳар бир уй баҳраманд бўлсин, мўминлар қалбига шодлик кирсин деб кўпроқ хайр-саховат қилишга, закот беришга ошиқади.

Айни кунларда ижтимоий ҳимоя соҳасида кенг кўламли ишлар бошланди. Кам таъминланган оилалар, ногиронлиги борлар, етимларга ёрдам бериш, касб-ҳунар ўргатиш, уларни ўқитиш ва ишга жойлаштириш борасида ҳам аниқ ва манзилли чора-тадбирлар кўрилмади.

Биз — уламолар бу йил Рамазон ойини юртимизда меҳр-муруват, хайру саховат



мавсумига айлантиришни ўзимизга шиор қилиб олдик. Токи кутлуг ойда ҳар бир хонадон, ҳар бир кишининг қалбига хурсандлик кириб бориши. Шунда муродимиз ҳосил, Яратган биздан рози, халқимиз ҳар йили Рамазонни орзиқиб кутадиغان бўлади, иншааллоҳ.

Азиз халқимиз, айниқса, саховатли дўсту биродарларимиз бу ойда имкон қадар хайрия ишларини кўпайтирсин, юртимизда эҳтиёжманд киши қолмасин, ҳар бир уйда шодлик, қувонч муҳити ҳукм сурсин.

Бинобарин, инсониятга юксак намуна бўлган ҳазрат пайгамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам бу ойда бошқа ойларга қараганда саҳийроқ бўлар эдилар. Ибн Аббос розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам одам-

ларнинг энг саҳийи эдилар. Айниқса, Рамазон ойида янада саҳий бўлиб кетар эдилар. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи васаллам яхшиликда шиддат билан эсаётган шомолдан-да учур эдилар” (муттафақун алайҳ).

Шундай экан, умид қиламизки, қўли очик, саховатпеша юртдошларимиз ногиронлиги бор шахслар, ёлғиз кексалар, боқувчисини йўқотганлар ҳамда кам таъминланган оилаларга меҳр-муруват қўлини чўзади, беморлар ҳолидан хабар олиб, кўнгилларини кўтаришда пешқадам бўлади.

Бу йил 2 мингдан зиёд масжидда таровеҳ намази адо этилади. Шундан 1 минг 600 тасида Қуръон хатм қилинади. Рамазон ойининг 27 кунни давомда масжидларда каломуллоҳнинг саҳифалари бир хил ададда ўқилади.

Аллоҳ насиб этса, барча масжидда Рамазон ойининг йигирма еттинчи кечаси, яъни Қадр кечаси кунни Қуръон хатми якунлашиб, бу вақтнинг ўзида бир неча миллион юртдошимиз Ҳақ таолога дуо қилади. Мана шундай жамулжам илтижо ижобатидан юртимиз янада равнақ топади, ҳаётимиз фаровон бўлади. Юртимизга илоҳий нур, барака ёғилади, иншааллоҳ.

Ҳадиси шарифда “Рўздорнинг дуоси мақбулдир” дейилади. Шунинг учун ҳам бу кутлуг ойда чин қалбдан, астойдил дунё ва охират саодатини сўраб дуо қилишимиз керак.

Аллоҳ таолодан ушбу кутлуг ойда азиз халқимизга мустаҳкам соғлиқ, битмас-туганмас куч-қувват, оилавий бахт-саодат ва фаолиятида улкан зафарлар ёр бўлишини сўраймиз. Яратганнинг Ўзи юртимизни турли бало ва офатлардан омон сақласин.

Парвардигори олам юртимиз тинчлигини барқарор, халқимиз ҳаётини бундан-да фаровон, муборак Рамазондаги хайрли ишларни йил бўйи бардавом қилсин. Нияти пок, мақсади улуг халқимизнинг, ҳар бир мўмин-мусулмоннинг дуо ва илтижолари рўёбога оссин!

Муборак Рамазон ойи билан барча мўмин-мусулмонларни, азиз халқимизни яна бир бор самимий кўтайлигимиз.

Барчамизга фазилатли Рамазон ойи муборак бўлсин!

Васаллому алайкум ва раҳматуллоҳи ва барокатуҳу.

Кун мавзуси

Киш охирлаб, кўклам эпкинлари кириб келишида юз берган ноқулай об-ҳаво деҳқон ва томорқа эгаларини бир оз ташвишга солгани бор гап. Сабаби, умид билан экилган сабзавот кўчатларининг нобуд бўлиши эртакки маҳсулотлар салмоғи, сифатига салбий таъсир кўрсатиши табиий.



ХАВОТИРГА ЎРИН ЙЎҚ...МИ?

— Хавотирга ўрин йўқ, — дейди томорқа иссиқхонасида бодринг кўчатлари парвариши билан андармон бўлган Абдурашид Тожаев. — Ҳар қандай об-ҳавога олдиндан тараддуд кўриб қўйганимиз. Иссиқхонамизда термос, яъни қўшимча плёнка билан ҳимоялаш усулини жорий қилгандик. Бу ортиқча иситиш тизимлари ва харажатларсиз экинни совуқдан асраш имконини бермоқда. Кўчатларни февралнинг сўнгги ҳафтаида экканмиз. Баҳор аввалидида об-ҳаво инжиқликларидан яхши ҳимояланди.

Икки минг тупдан ортиқ кўчат яроққ экиб, гуллаш арафасига келган. Ховлига туташган яна бир иссиқхонада эса садаф тишдек терилган эгаларда бир вақтнинг ўзида икки хил сабзавот парваришланяпти. Улардан бири денгиз карами бўлса, бошқаси қизил лавлага.

— Денгиз карами кўчатлари 5-6 даражача совуққа чидамли, — дейди тажрибали томорқачи. — Бу навлар юқорига бўй олгани учун эгалардаги бошқа сабзавот экинлари ривожига салбий таъсир кўрсатмайди. Натияжада бир арқада икки хил ҳосил олиш имконияти яратилади. Апрель ойининг дастлабки ўн кунлигида денгиз карамларини йиғиб оласан, қизил лавлага ривож янада тезлашади. Май ойида учинчи ҳосил — помидор эканмиз. Меҳнат қилиб, кам бўлганимиз йўқ. Шинам уй-жой, тўно томошалар барчаси ана шу изланишларимиз мақсули. Битта оилага бундан ортиқ яна нима керак?

Риштон туманидаги “Қайрағоч” маҳалла фуқаролар йиғинида аҳоли томорқа хўжаликларига оммалашган тажриба — плёнка остиди арзон ва сифатли сабзавот экинлари етиштириш имконини бермоқда. Натияжада иссиқхонада турли сабзавот ва кўчат етиштириш ривожланиб, томорқадан бир йилда уч-тўрт марта ҳосил олинмоқда.

— Яқин-яқинларга бармоқ билан санарли иссиқхоналарда сабзавот етиштирилган, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Валижон Маҳкамов. — Бугун 500 дан ортиқ хонадоннинг дегарли ҳар бирини иссиқхона бор, десам муболага бўлмайди. Утган йилнинг ўзида бу мақсадлар учун 115 миллион сўмдан ортиқ кредит берилди. Умумий қиймати 10 миллиард сўмдан ортиқ сабзавот маҳсулотлари ички ва ташқи бозорга сотилди. Бу йил ҳосил салмоғи янада юқори бўлишини кўзлаб турибмиз. Маҳалламизда томорқалар учун сув етишмаслиги билан боғлиқ ҳолат бор эди. Жорий мавсумда бу борадаги муаммоларга ечим топилди. Маҳалла билан ҳамжиҳатликда 5 километр узокдан янги сув тармоғи тортиб келдик.



БИР МАВСУМДА БИР “ДАМАС”

Ҳуломжон Маҳкамов томорқачилиқда кўпга ибрат бўлаётган ёшлардан. Тартиб билан экилган турли мевали дарахт тоқ кўчатлари ҳайратингизни оширади. Томорқада махсус иссиқхона йўқ. Лекин сабзавот экинларини ер устига тўшалган плёнка остиди парваришлайди яхши тажриба тўплаган. Январ ойининг 15-кунини уч сотих ерга плёнка остига қадалган қизил лавлага бугун ҳосил нишонларидан дарақ бериб турибди. Икки сотих майдонда 3 минг тупдан ортиқ эртакки карам парваришланяпти. Фақат кўчатга мослаб қурилган иссиқхонада 10 минг помидор кўчати етиштирилляпти.

— Экинларни ер бетлатиб тортилган плёнка остиди парваришлай ҳар жиҳатдан қўлай, — дейди томорқачи. — Бу усул сабзавот кўчатларини совуқ об-ҳаво ва шамолдан сақлашда яхши самара беради. Экин майдонига эрта кўчат экишга алоҳида ҳозирлик кўрамиз. Ассосан, маҳаллий ўғитлардан фойдаланамиз. Бу мавжуд иссиқликни узок сақлаш ва ташқарида юзага келган иссиқ ҳарорат билан тўйинтиришда қўл келяпти. Ҳар йили шу андаза асосида эртакки сабзавотлар етиштиряпмиз. Утган йили бир мавсумда олган даромадним ҳисобига янги автомашина харид қилдим. Бу йил ота-онамни ҳажга жўнатишни мақсад қилганман.

ҚАЛАМПИР ҚИРҚ ЙИЛЛИК ҚАРЗНИ УЗАДИ

Халқ таъбири билан айтилган бу фикр замирида ҳамжиҳатлик, ҳалол меҳнат ва изланишлар мужассам. Бу қадим анъаналар амал қилиб меҳнат қилётган Мунаввар опа Тўйчиева асло кам бўлаётгани йўқ.

Иссиқхонада баравж ривожланаётган қалампир кўчатлари ҳосилга кирган. Маҳсулотнинг бозори чаққон. Бир кило ҳосилнинг улгуржи баҳоси 115-120 минг сўмдан сотилляпти.

Албатта, бу айтишга осон. Мунаввара опа бу ҳосилни етиштириш йўлида неча-неча тунларни бедор ўтказган. Кишининг қаҳратон совуғидан асраб-авайлашга ҳаракат қилган. Бугун ана шу меҳнат ва изланишлари самарасидан баҳра олмақда.

Иссиқхона муқобил ёшилги асосида иситилади, томчилатиб сўғориш тизимига уланган. Энг муҳими, жараёнининг барчасига эллик ёшни ортда қолдирган уста аёл бош-қош.

— Фарзандларни ўқитиш, уйли-жойли бўлишида томорқадан келаётган даромаднинг ўрни катта, — дейди миришкор. — Томорқа ҳамаша тўкинлик ва фаровонлик манбаи бўлган. Умид билан уруқ қадаган киши меҳнатининг ажрини, албатта, кўради. Бу ҳаёт ҳақиқатини фарзанд ва набираларимга ўргатишга ҳаракат қиламан. Меҳнат қилган одам асло кам бўлмайди-да.

Томорқа хўжалигининг мақсадли фойдаланиши билан боғлиқ бундай ибратли ишларни кишлоқнинг ҳар бир хонадонидида даражасиз. Бундан асл томорқачилар билан бўлган суҳбатларда ҳис қилдик. Хамма томорқа юмушлари ва ободончилик билан андармон. Қўл қовуштириб, кўчаларни “тўлдириб” ўтирган ялқовларни учратмайсиз.

Кишлоқ кўчалари кимсасиз бўлиб кўринди. Қўнглимиздан кечган саволни англаган маҳалла раиси суҳбат асосида қўшиб қўйди: “Бу ерда бекор юрган одам, бўш қолган томорқа йўқ”.

Расулжон КАМОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири
Шерзод Қорабоев олган суҳбатлар.

Янгича ёндашувлар

УЙ ШАРОИТИДА ҚЎЗИҚОРИН БИЗНЕСИ

ҳам саломатликка, ҳам чўнтакка фойда

Булунгур туманининг Янгиобод маҳалласида яшовчи Отақулловлар хонадонини кўшн кишлоқлардан сўроқлаб келувчилар сафи кенгайиб бормоқда. Боиси, ушбу оила уй шароитида қўзиқорин етиштириш борасида анча танилган.

Эргаш ота Отақуллов айни пайтда нафақада. Қўзиқорин етиштиришни ижтимоий тармоқлар орқали кўриб, қизиқиб қолди ва сир-асрорларини ўқиб, ўрганди. Ховлисида бўш турган бинада етарлича шарт-шароит ҳозирлади. Айни пайтда бу ерда қўзиқориннинг “вешинка” навини парваришлямоқда.

— Табиатда замбуруғларнинг 100 мингдан ортиқ тури учрайди. Қўзиқорин ҳам шулардан бири. Қўзиқорин етиштиришга қизиқиши бўлган кишилардан маънавийлик, кўмагимиз, тавсияларимизни аямаяпмиз, — дейди Э.Отақуллов. — Ўзимиз уч-тўрт йилдан



бўён шу иш билан шуғулланиб, кам бўлаётганимиз йўқ. Қўзиқориннинг “вешенка” нави жуда фойдали ва оқсилга бой. Харидорлари ҳам кўп. Афзаллик томони, уни йил давомида етиштириб, даромад олса бўлади, мавсум танламайди.

Уруғ қолга қадалгач, бир ой 22 даража ҳароратда ушлаб турилади. Меъёрдан охиб кетса, қуриб қолиши мумкин. Бунда намлик даражасига ҳам эътибор қилиш лозим. Уруғлар ниш отгач, ҳаво ҳароратини 16-17 даражада ушлаб туриш, шунингдек, ҳар кун икки маҳалдан сув сепиш керак. Ҳосил 30-35 кунда тайёр бўлади.

Қиш якунланиб, баҳор келди. Табиийки, энди ҳаво исий бошлади. Бундай ҳолатларда меъёри ушлаб туриш учун вентиляциядан фойдаланиб, иссиқхонани тезтеза шамоллатиб туриш зарур.

Ҳар қолчадан 2-3 килограмм истеъмоллоб қўзиқорин олиш мумкин. Замонавий тиббиётда унинг табиий инсулин ва ферментларга бойлиги аниқланган. Шу боис, уни кўпинча қандли диабет касаллигига йўлққан беморлар харид қилади.

— Бизда аҳолининг асосий қисми кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш билан шуғулланади, — дейди маҳалла фуқаролар йиғини раиси Маҳмуджон Охунжонов. — Кейинги йилларда томорқа хўжалигига, тадбиркорликка берилаётган эътибор туфайли бундай оилалар сони кўпаймоқда.

Маҳалладаги Умрзоқовлар хонадони ҳам уй шароитида қўзиқорин етиштиради. Уч мингдан ортиқ аҳоли яшаётган ҳудудда бу оиладан ибрат олиш ниятидаги фуқаролар оз эмас. Уларга бу борада Меҳриниса Умрзоқова кўмаги, маслаҳати асқатмоқда.

Ховлидаги қурилиши поёнига етмаган бинада қўзиқорин етиштиришга киришган оила икки-уч йил ичида муайян тажриба тўплади.

— Уйда қўзиқорин етиштиришнинг қийинчилиги йўқ, — дейди уй бекаси Меҳриниса опа. — Бу — аёлларнинг иши. Қўзиқориндан бир йилда тўрт-беш марта ҳосил олиш мумкин. Даромади ҳам яхши. Сарфланган бир сўмингиз уч сўм бўлиб ўзингизга қайтади. Қолаверса, қўзиқорин гўшт ўрнини босадиган, турли касалликларга шифо неъмат саналади. Қўзиқоринни дастлаб хоналарда етиштирган бўлсак, ҳозир иссиқхонада парваришляпмиз. Айни пайтда бу ерда уч юзта қопимиз бор. Булардан ҳар уч кунда йигирма килогача ҳосил оламиз. Уларни Самарқандга олиб бориб, кафе, ресторан ва дўконларга тарқатамиз. Бундан ғайта оила яхшигина даромад топяпмиз. Мисол учун, битта қопимиз барча харажати билан 25 минг сўмга тайёр бўлади. Меъёрда етиштирилса, битта қопдаги уруғ уч ой давомида камиди 5 килогача ҳосил бериши мумкин. Яъни сарфланган 25 минг сўм 125 минг сўм бўлиб қайтади. Бекорчиликни хуш кўрмаймиз. Шу сабабли қўшни аёллар кўчада бекор қолганини кўрсан, уларни нимадир қилишга чақираман. Беш-олти ой аввал маҳалладаги ишсиз аёлларга шу юмуш билан шуғулланишни таклиф қилдик. “Меҳнатни оғир эмас, яхши эътибор қилиб, сув сеппи турсангиз бўлди”, дейди. Дастлаб иккита қўшим бўлади. Ҳозир уларнинг қўзиқорини ҳосил бермоқда. Улар билан доим алоқадамиз, тушунмаганларини ўргатиб, маслаҳат бериб турибмиз. Келгусида иссиқхонани янада кенгайтириб, иш ўринлари яратиб режамизда бор. Мақсадимиз нафақат вилоят, балки қўшни давлатларга ҳам сотиш. Чунки ҳозир улардан ҳам буюртмалар туша бошлади. Маҳсулот арзон, шу сабабли қўшнилар овқатга ҳам ишлатади. Чунки истеъмол қилиш жараёнида фойдали хусусиятларини сезар экансиз. Ортиқча ёғ боғламайди, гўштнинг қувватлилик калорияни бераман. Ҳам саломатликка, ҳам чўнтакка фойдаси бор.

Ҳайҳотдек томорқаси бўла туриб, бир бог пиёз етиштиришга эринадиган, лоқал бир неча туп мевали дарахт экиб қўйишни ҳам ўзинга эп кўрмайдиган кишилар мана шундай серғайрат, тиниб-тинчимас инсонлардан ўрнак олса, фойдадан холи бўлмасди.

Лутфулла СУВОНОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Инсон қадри учун

ИЖТИМОЙ АДОЛАТ МЕЗОНИ



Боборавшан ҒОЗИДДИНОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

Бошланиши 1-бегда

Шу боис, 1 июндан ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш тартиби ва улар билан ишлаш тизими ўзгаради. Бунда эҳтиёжманд тоифани аниқлаш бўйича мезонлар ишлаб чиқилади. Уларнинг айнан қандай ёрдамга муҳтожлиги аниқ белгилаб берилди. Муҳтожларнинг ҳар бири бўйича индивидуал ижтимоий хизматлар дастури бўлади. Бу ишларни амалга оширишда айнан “маҳалла еттилик” муҳим роль ўйнайди. Улар оилаларнинг муаммо ва имкониятларини ўрганиб, “ижтимоий портрети”ни чизади. Ёрдандан сўнг хонадонда нима ўзгаришларни мониторинг қилиб боради.

Таъкидлаш керак, ижтимоий ҳимоя борасидаги ишлар, айниқса, инсон қадри том маънода улуглана бошлаган кейинги йилларда янги ривожланиш босқичига чиқди. Буни кўпчилик юртдошларимиз ҳаётидаги ижобий ўзгаришларда кўриш мумкин. Ҳа, ислохотлар самараси оддий одамлар ҳаёти миқдарида тезда кўзга ташлана бошлади. Бу фикримизни Тошкент вилояти Урта Чирчиқ тумани Бунёдор маҳалласида хотин-қизлар фаоли бўлиб ишлаётган Умида Байманова ҳаётидаги туб ўзгаришлар ҳам исботлайди.

2017 йил, Пискент тумани. Умида опа турмуш ўртоғи билан бахтиёр яшаётган дамлар. Ушанда асли бўкалик Умида Байманова Пискент туманига келин бўлиб тушгани эндагина бир йил бўлганди. Ёш оила кутилмаган синовага дуч келди. Бир неча соат ичда беш хонали кўрғони кулхонага айланди. Уй билан қўшилиб, бу оиланинг орзулари, ишончи ҳам кулга айлангандай эди. Аммо юракнинг туб-тубида қандайдир илинж бор. Шу илинж сабаб улар ижара уй топиб, Урта Чирчиқ туманидаги Шоликор маҳалласига кўчиб келди.

Умида Байманова 2010 йилда Тошкент архитектура ва қурилиш университетини тамомлаган. Урта Чирчиққа кўчиб келишгач, фарзанд тарбияси, рўзгор юмушлари билан андармон бўлди. Аммо ҳаловати йўқ. Негаки, биргина турмуш ўртоғининг даромади билан рўзгор тебратиш, янги уй тиклаш осон кечмаслигини биларди. Бегона жойда, ёлғиз ўзи уйга қамалиб қолган аёл шу ҳақда ўйлаши ҳамон кўз олдига қоронғилишиб кетарди. Шунга қарамай, Умида Байманова бирон жойга ари қилиб бормади. Ҳокимлик эшигини банд қилиб, менга уй берингла, дедими. Аксинча, вақтинча яшаётган маҳалласидаги фаоллар унинг ҳолидан хабар олди. Оиланинг ҳолатини ўрганиб, Умида Баймановани “Аёллар дафтари”га киритди.

— Ушанда 2022 йил эди, — дейди Умида опа. — Туманидаги янги тайинланган ҳокимнинг аҳоли билан учрашувида қатнашдим. Сўхбат чоғида ҳокимдан иш сўраган эдим, олий маълумотли кадр эканлигини билдириб, туман архитектура ва қурилиш бўлимига таклиф қилди. Аммо бола тарбияси сабаб уйдан олисга кета олмадим. Шу боис, маҳалламизга яқин жойда ишлаш ниятим борлигини айтдим. Кўп ўтмай, туманда меҳнат ярмаркаси ўтказилди. Унда қўшни Бунёдор маҳалласида хотин-қизлар фаоли ўрни бўшлигини билдириб, ариза топширдим. Шу тариқа уйимга яқин жойда, ўзим севган иш билан шугуллана бошладим. Вазирам бир қарашда жуда оддий, аммо улкан масъулят ва фидоийлик талаб этади. Яъни давлат сийосатини тўғри тушутириш. Мамлакатимизда яратилган имкониятлардан фойдаланиб, ўзим каби оғир ижтимоий вазиятдаги опа-сингилларга кўмак бериш.

Қаҳрамонимиз салкам икки йилда Бунёдор маҳалласи аҳлининг ишонган вакили, жонқуяр маслаҳатчи бўлиб улгурди. Масалан, ўтган 2023 йилда хатлов натижасига кўра, маҳалладаги 58 хотин-қиз рўйхатга олиниб, барчасига ижтимоий ёрдам кўрсатирилган. Шунингдек, ўн бир нафар ишсиз хотин-қиздан беш нафарига субсидия асосида тикув машинаси олишда, иссиқхона қуриб беришда кўмаклашилган. Олти нафар оқсиз сингиллар эса доимий иш жойига эга бўлган. Шунингдек, у бир қатор ютуқларга эришди. Масалан, Тошкент вилояти ички ишлар бош бошқармаси ташаббуси билан ўтказилган

“Оғир вазиятдаги юртдошларимиз муаммосини ҳал этишда айнан тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқийёс. Бу соҳа вакиллари иш ўрни яратиб, аҳоли бандлигини таъминлайди. Айни пайтда бошқаларга намуна, ўрнак бўлади. Давлат дастурида кўрсатилганидек, устоз-шогирд аъёнларини давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади.

“Энг намунали ҳуқуқ-тарғибот маскани” кўриқ-танловида “Энг намунали хотин-қизлар фаоли” йўналиши ғолиби бўлди.

Аёл ўз фаолияти ҳақида сўзлар экан, беҳтиёр қийин аҳволда қолган вақтидаги ҳолатини эслади. Шунга таяниб, бошқаларга маслаҳат беради. Йўл-йўриқ кўрсатади.

— Оғир вазиятда қолган оилалар билан доим очик чеҳрада, уларнинг тақдирига бепарқ эмаслигини билдириб сўхбатлашиб керак, — дейди У.Байманова. — Бошимдан ўтгани учун яхши биламан, бундай вазиятда инсон учун уни тушуниб, дардига қулоқ туттиларини муҳим ҳисобланади. Шу боис, улар билан гаплашаётганда, аввало, эшитаман. Сўнг, биринчи навбатда, давлатимиз томонидан қандай имкониятлар яратиб берилганини айтаман. Бу уларга умид, ишонч беради. Жорий йилдаги хатлов натижаларига кўра, маҳалламиздаги 1100 нафар хотин-қиздан 45 нафари “Аёллар дафтари”га киритилди. Келгусида уларга тўлиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади, соғлиги, оилавий аҳволдан келиб чиқиб, уларни бу рўйхатдан чиқаришни режа қилганмиз.

У.Байманова меҳнатсеварлиги, самимийлиги боис, ярим йилда маҳалла аҳлининг меҳрини қозонди. Ушанда у қўшни маҳаллада яшаб, ишга қатнардди. Маҳалла оқсоқоллари худуддаги қаровсиз бинони таъмирлаб, кўчиб келишни таклиф қилди. Сўнг оқсоқоллар шу ташаббус билан туман ҳокимига мурожаат қилди. Ҳоким бинодан хизмат ўйи сифатида фойдаланишга руҳсат берди. Маҳалла аҳли ёш оилага қўлдан келганча ёрдам қилди, қисқа вақтда бинони таъмирлади. Бугун қаҳрамонимиз турмуш ўртоғи ва икки фарзанди билан шу бинода яшаб келмоқда.

Оилавий аҳволининг бу бўлса, нега ҳокимликдан уй сўрамасиз десангиз, у синиқ жилмайдди. Сўнг “Ўзига шукр, тўрт мучамиз соғ, ишлаймиз. Уйни биздан ҳам оғир аҳволдаги оилаларга бериш керак. Биз эса меҳнатимиз билан ҳаммасига эришамиз”, деб жавоб беради.

Дарҳақиқат, бошқаруvingн қўйи тармоғида У.Байманова каби фидойи, юртсевар кадрлар бўлиши давлат сийосатининг ҳар бир фуқаро қалбига кириб боришига хизмат қилади. Бугун олиб борилаётган сийосат замирида ҳам айнан шунга эришиш мақсади ётибди. Маҳалла еттилиги ҳам айнан шунинг учун ташкил этилган.

Ижтимоий адолат барқарор бўлса, мамлакат ривожига барча бирдек ҳисса қўша олади. Фюрида ижтимоий адолат ҳақида айтган фикримизнинг яна бир далили хотин-қизларга кўрсатилаётган эътибордир. Эндиликда уларга тадбиркорлик, маркетинг, график-дизайн каби замонавий касблар ўргатилади. Шу боис, улар учун алоҳида — “Қизлар академияси” платформаси ишга туширилади. Бу орқали ёш хотин-қизлар учун турли танлов, лойиҳалар, ўқув оромгоҳлари, стажировкалар ташкил этилади.

Шу ўринда, касб-хунар ўзлаштириш экан, уларнинг бандлигини таъминлашга қаратилган борми, деган ҳақиқат савол туғилади. Бу жиҳат ҳам эътиборга олинган. Масалан, “Бизини кўллаб-қувватлаш дастури” доирасида 2024 йил якунига қадар 2 миллион аҳолини бизнесга жалб қилиш ҳамда янги иш ўринлари яратиш орқали 5 миллион аҳолининг бандлигини таъминлаш учун зарур шартин яратилади. Бу ишларни амалга оширишда маҳалла

рамонларимиздан яна бири бухорлик Дилдора Атоева.

Бундан 2 йил олдин Д.Атоева “Аёллар дафтари” орқали имтиёзли кредит асосида тадбиркорлигини бошлаган эди. Утган қисқа вақт ичда у тикувчилик фаолиятини йўлга қўйди. Ишнинг кўзини билган аёл оиласига даромад олиб кела бошлади. Бундан янада руҳланиб, изланишдан, ўрганишдан тўхтамади. Бу интилишлар зое кетмади. Шу кунларда Бухоро шаҳридаги Янгибод маҳалласида тикув цехи очди. Бу ерда ўзи каби яна тўрт нафар хотин-қизни доимий иш билан таъминлади. Қолаверса, беш нафар хотин-қизга устоз-шогирд аъёнаси асосида хунар ўргатмоқда.

Хабарингиз бор, давлат дастурида жорий йил ёшларни замонавий касбларга ўқитиш бўйича “Устоз” махсус платформасини ишга тушириш вазифаси белгиланган. Унга кўра, дастлабки босқичда 250 минг нафар йиғит-қиз қамраб олинди, касб-хунарга ўргатилади. Дилдора Атоеванинг фаолияти бу борадаги ишлар самараси қандай бўлишига яққол далил. Қувонарлиси, тадбиркор келгусида ишчиларни кўпайтириб, 20 нафарга етказмоқчи. Қолаверса, тикувчиликка қизиқадиган хотин-қизларга ўз хунари сирларини ўргатишга тайёр.

Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йилида ёш ишбилармонлар билан бир вақтда ижтимоий соҳада ҳам кенг қўллами имкониятлар эшиги очилмоқда. Янгича тизим халқимизнинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламни аниқлаб, кўрсатиладиган ёрдамнинг ўз эгаларига аниқ етиб боришини таъминлашга қаратилган. Шу орқали натижадорликка эришиш кўзланган. Ҳозиргача ҳам ижтимоий ҳимоя борасида кўллаб амалий ишлар бажарилиди. Бунинг натижасида олис қишлоқ ва овулларда яшайдиган, жисмоний имконияти



ган хизматлар сифатини тубдан ошириш мақсадида “Инсон” ижтимоий хизматлар марказлари ташкил этилгани айни мuddао бўлди. Бу Ҳасан Қодиров каби юртдошларимиз орузсини амалга оширишда кўл келяпти. Ушбу марказнинг Ангор тумани бўлими томонидан Ҳ.Қодировга электрон арава берилди. Бир қарашда бу жуда жўн ҳодисадек кўринади. Бу истаган вақтда хоҳлаган томонга кета оладиган инсон-

Жумладан, давлат дастурида аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига алоҳида эътибор қаратилган. Унга кўра, масъуллар ҳар ойда қамиди бир марта ёшлар билан учрашади. Бу учрашуларда йиғит-қизларнинг муаммоларини тинглайди. Уларни ҳал қилиш ва ёшлар салохиятини юзага чиқариш учун зарур чоралар кўради. Албатта, ёшлар, аввало, моддий таъминоти яхши бўлишини истайди. Бунинг учун улар ўқиб-ўрганиши, касб-хунари бўлиши керак. Масъуллар шундай жиҳатларга эътибор қаратади. Қолаверса, ёшларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришга кўмаклашади. Эндиликда ёшлар ишлари агентлиги танлов асосида ёшларнинг истиқболли бизнес лойиҳа ва голяриани саралаб олади. Бунда ногиронлиги бўлган ёш тадбиркорларнинг лойиҳа ва голярига алоҳида эътибор қаратилади. Бу билан Ҳ.Қодировдай ижтимоий ҳимоя олиб, энди юксак марраларга интилаётган ёшлар тадбиркорлик қилишига имконият эшиклари янада кенг очилади.

Ёшларнинг иқтисодий барқарорлиги мустаҳкам бўлса, оғриқли масалалар кун тартибига чиқмайди. Чунки бундай жамиятда ҳамма ўз иши билан банд, ҳаёти тўқис бўлади. Ҳ.Қодиров ҳуқуқбузарликлар, жиноятлар қамаяди. Қадим китобларимиз, хусусан, “Авесто”да хирмон донга тўлганда ёвз кучлар чекинади, дейилган. Негаки, қорни тўқ одамга насихат қор қилади. Кейин у ёвз кучлар гапига қулоқ тутмайди. Моддият ва маънавият шу жойда бирлашади. Шу боис, мамлакатда аҳолининг ўзига тўқ қатлами кўп бўлиши шарт. Бу борада ҳам амалий ишлар бошланган ва давом эттирилмоқда. Хусусан, Президентимизнинг давлат дастурига доир фармонида ёшлар ўртасида тадбиркорликни кенг омаллаштириш ва бизнес билан шугулланишга қўшимча имкониятлар яратиш мақсадида устувор вазифалар белгиланган. Унга кўра, оилавий тадбиркорлик дастури доирасида ажратилаётган кредитларнинг қамиди 40 фоизи эндиликда ёшлар тадбиркорлигини ривожлантиришга йўналтирилади.

Бу борада ҳам кишини қувонтирадиган ҳолатлар бисёр. Масалан, Урганч туманидаги Мевазор маҳалласида биргина 2023 йилнинг ўзида тадбиркорлигини бошлаш ва кенгайтириш ниятида бўлган ёшларга 2,5 миллиард сўмлик имтиёзли кредитлар ажратилган. Шунингдек, 117 ёшнинг бандлиги таъминланган. Битта маҳалла учун бир йилда шунча маблағ ажратилиши бежиз эмас. Ушбу маҳаллада 1123 та хонадон бор, шулардан 173 таси тадбиркорлик фаолияти билан шугулланади.

Шу ўринда, бир мулоҳаза. Халқимизда “Кўш уюсида кўрганини қилади” деган нақл юради. Бу бежиз айтилмаган. Инсон табииатда тақдир қилиш, кўрган ҳодисадан таъсирланиш одати бор. Бинобарин, бола уйда кўрган ишларни, гапларни кўчада ҳам бажаради, айтади. Худди шунингдек, бу кўлам кенгайиб, ёш авлод маҳаллада, мамлакатда бўлаётган жараёнларга ўзлари билмаган ҳолда тақдир қилади. Яъни жамиятда қайси амаллар устуворлик қилса, шунинг ортидан эргашади.

Мевазор маҳалласидаги ҳолат ҳам ана шу тақдирнинг ижобий натижасидир. Улар кўни кўшнидан кўриб, андаза олиб, тадбиркор бўлишга ҳаракат қилади. Масалан, шу туманда яшовчи ёшлардан бири Шухрат Одил

тадбиркорлик қилиш ниятида Мевазор маҳалласидаги ҳоким ёрдамчиси Ҳасанбой Ибодуллоевга мурожаат қилган эди. Унинг ҳолати ўрганилиб, имконият берилди. Унга банк томонидан 33 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилди. Қисқа вақтда Шухрат Одилво шини тўғри йўлга қўя олди. У оила аъзоларидан ташқари яна тўрт кишини иш билан таъминлади. Шу тариқа бугун унинг дурдорлик устахонасида саккиз киши даромад топишти.

Қаҳрамонимиз шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Жорий йилда фаолиятини янада кенгайтириш ниятида. Бунинг учун унга янги, замонавий технологиялар, иш қўламини оширадиган дастхона керак. Қувонарлиси шундаки, эндиликда унга бу ишни амалга ошириши учун давлат дастури доирасида 100 миллион сўмгача имтиёзли кредит ажратилиши кутилмоқда. Мазкур маҳаллада эса давлат дастури доирасида жорий йил яна 105 та янги иш ўрни яратиш мақсад қилинган.

Умуман олганда, Президентимизнинг “Ўзбекистон — 2030” стратегиясини “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили” да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги фармони билан тадбиркорлик соҳаси ривожига катта эътибор қаратилмоқда. Масалан, иқтисодий тармоқларида қиймати 18 миллиард доллар бўлган 309 та йирик лойиҳа ишга туширилади. Қўзланган мақсадларга эришиш учун иқтисодиёт тармоқларига 275 триллион сўм кредит ресурсларини йўналтириш, жумладан, 41 триллион сўмлик микроқия хизматлари кўрсатилиши йўлга қўйилган. Энг муҳими, банклар томонидан тақдим этиладиган кредит ставкаларини бозор механизми асосида 2-3 фоиз бандга пасайтириш назарда тутилмоқда. Айнан шу йўналишдаги ишлар ҳам бевосита ижтимоий ҳимоя билан чамбарчас боғлиқ.

Оғир вазиятдаги юртдошларимиз муаммосини ҳал этишда айнан тадбиркорлик субъектларининг ўрни беқийёс. Бу соҳа вакиллари иш ўрни яратиб, аҳоли бандлигини таъминлайди. Айни пайтда бошқаларга намуна, ўрнак бўлади. Давлат дастурида кўрсатилганидек, устоз-шогирд аъёнларини давом эттиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу нуқтаи назардан, тадбиркорларга берилаётган имкониятлар, аслида, ижтимоий ҳимоя учун киритилган сармоа ҳисобланади.

Эътибор қилган бўлсангиз, бир қарашда жуда катта ютуқларга эришмаган, аммо яратилган имконият сабаб ўз юкини ўзи орқалашга қодир бўлган юртдошларимиз ҳақида ҳикоя қилдик. Аслида, улардан ҳар биримиз ўрнак олсақ арзийди. Негаки, улар ҳаётнинг катта синови олдига бошини тик тутиб, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, нафақат ўзи, балки ён-атрофдагиларга ҳам нафи тегадиган жамиятнинг фаол аъзосига айланди.

Улғ адиб Эрнест Хемингуэй “Инсонни энгиб бўлмайди!” деганида ҳақ эди. У қанча синовларга дуч келмасин, барибир олдинга интилади. Барча тўсиқларни энгиб ўтиб, мақсадига эришади. Бунинг учун унда келажакка умид бўлса, бас. Ана шу умидни эса у жамиятда яратилган имкониятлар, таянч бўладиган шахслардан олади. Бугунги қаҳрамонларимиз ўзини ўнглаб, энди ўзгаларга таянч бўлаётган юртдошларимиздир.



чекланган юртдошларимиз ҳаёти тубдан ўзгармоқда. Буни олис Сурхон воҳасида туғилиб ўсган Ҳасан Қодиров ҳаёти мисолида ҳам кўришимиз мумкин.

Ангор туманидаги Қорабўғ маҳалласида яшовчи қаҳрамонимиз мустақил ҳаракатлана олмайди. Шу боис, ўқитувчилар Ҳасаннинг уйига келиб, дарс беради. Унинг жисмоний ҳаракатлари чеклангани боис, тендош-

лардагина шундай тасаввур уйғотади. Аслида, бу кунни Ҳасан узоқ кутди. Унга эришгач эса ҳаётга бўлган қизиқчини орти. Ҳ.Қодиров мақсада кўйиб, унга интила бошлади.

— Электрон аравача ҳада қилишгандан жуда севиндим, — дейди Ҳ.Қодиров. — Энди бемалол мактабга боришман, ҳар кунни дўстларимни кўришман. Аввал фақат уйда ўтирдим. Қачон акамлар кўчага олиб чиқса, одамларни кўрдим. Энди дарсларимни қилиб бўлгач, кўчада сайр қиламан. Маҳалладошларим билан гурунлашаман, янгиликлардан хабардор бўламан. Мени туманимизда очилган мономарказда хунар ўрганишга таклиф қилишди. Насиб этса, хунар ўрганиб, келажакда телефон, компьютер тузатадиган уста бўлмоқчиман.

Биргина аравача сабаб Ҳ.Қодиров узоқ келажак ҳақида орзу қила бошлади. Унинг ҳаётга, инсонларга бўлган муносабати, қараш йўзгарди. Муҳими, у шу юртга керакли инсон эканини англади. Шунинг ўзиёқ энг катта ютуқ. Унинг қувончи, ўзига ишонч билан орзулари ҳақида айтиб беришини кузатиб эганини қилади. Беҳтиёр Навоий бобомиз айтгани, дил шодлигининг нечоғлик саодат эканини теран англайсиз.

Дарҳақиқат, ким учундир бир ойлик даромади эвазига келадиган аравача қайсидир оиланинг узоқ йиллик муаммоси бўлиши мумкин. Нормал жамият учун бу табиий ҳолат. Қачонки, мамлакатда ўша камчилигини тўлдирадиган тузилма мавжуд бўлса. Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар қанчалик аҳамиятли экани шундай ҳаётини мисолларда яққол кўзга ташланади. Қувонарлиси, бу каби ишлар изчил давом эттирилмоқда.



еттиликнинг ўрни беқийёс. Айнан маҳалла еттилиги мисолида Президент бошлаб берган ислохотлар, инсон қадрини улуглаш энг қўйи бўгингача етиб бораётганини таъкидлаш керак. Бундай мисолларни юртимизда ҳар қадамда учратиш мумкин. Шу каби қаҳ-

ридан ажралиб қолган. Ҳ.Қодировнинг орзулари ҳам чекланган, бирдан-бир истаги хоҳлаган вақтда ташқарига чиқиб, одамлар орасида бўлиш эди.

Жамиятда ижтимоий адолатни таъминлаш, мазкур соҳада аҳолига кўрсатилаёт-



Транспорт инфратузилмаси

ДУНЁДА САНОҚЛИ,
МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЯҒОНА

Тошкент метрополитенининг жами хизмат кўрсатувчи станциялари сони 50 тага етди, узунлиги эса 70 километрдан ошди

“Дўстлик-2” ва “Қўйлик” ер усти бекатларини боғловчи узунлиги

11,5 километрлик 7 та станциядан иборат йўналишнинг биринчи қисми 2020 йил август ойида ишга туширилган эди.

Айни пайтда биринчи бекатдан охиригисигача ўрта ҳисобда 19 дақиқада етиб олиш мумкин.

Бошланиши 1-бетда

Энг муҳими, перрон саҳни кенг, ёруғ ва кўрак. Замонавий лифт, эскалаторлар, электрон монитор ва хариталар йўловчилар хизматида. Бунда қулайлик яратувчи технологиялар, йўл ҳақини

сидаги қатнов вақти ўртача 15 дақиқа бўлади, — дейди “Тошкент метрополитени” ДУК бошлиғи ўринбосари Сойибжон Жўраев. — Шу пайтга қадар метронинг ушбу йўналишида кунига ўрта ҳисобда 45 минг йўловчи ташилиб,

шида ҳаракатланадиган кунлик автомобиллар сони 32 мингтагача қисқариб, транспорт оқими 12 фоиз камайд.

Кейинги йилларда метрополитен қамровини кенгайтириш мақсадида қўшимча 32 километр йўл қурилди, 21 та янги станция

Эшмурзаев қайд этган рақамларга қарамоқчимиз. Унинг эътиборига, 1972 йилда Тошкент метрополитени қурилиши бошланиб, мустақиллик давригача умумий узунлиги 30 километрлик “Чилонзор” ва “Ўзбекистон” йўналишларида 23 станция мавжуд бўлган.

барпо этиб келинмоқда. Ушбу даврда жами 32 километр метро йўналишлари қурилиб, 21 та замонавий метро бекатлари фойдаланишга топширилди. Йиллар давомида қўзилиб келган Юнусобод йўналишининг охириги 2 та станцияси қисқа муддатларда қуриб битка-



Ҳасан Йўлдошев оқсан суратлар

электрон тўлаш имконини берувчи турникетлар ҳам қўл келяпти. “Турон” станцияси ҳам шундай шарт-шароитларга эга.

Бундан беш-олти йил олдин ер усти метроси ҳақида гап борганда кўпчилик унинг қандай ишлашини яхши тушунмас, биланлар эса хорижда кўрганларини кўз олдига келтирарди. Президентимизнинг 2017 йил 19 майдаги “Тошкент шаҳрида ер усти метро линияларининг қурилиши” лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан юртимиз транспорт тизимида кузатилмаган улкан ва тарихий лойиҳани амалга оширишга киришилди.

Дунё таърибасидан маълумки, энг қулай, хавфсиз ва тезкор транспорт тури бўлган метро қуриш, ундан мунтазам фойдаланиш учун ҳар доим катта маблағ, таърибали мутахассислар ва албатта, замонавий техникалар зарур бўлган. Шу боис, бу каби йирик лойиҳаларни амалга оширишда давлатнинг иқтисодий имконияти ҳам шунга яраша бўлиши керак. Эстакада шаклидаги ер усти метросини қуриш йўналишида амалга оширилаётган лойиҳалар мамлакатимизнинг ана шундай имкониятга эгалигини яққол намойён этиб турибди.

Айни пайтда жаҳондаги 62 давлатнинг 195 шаҳрида метро мавжуд. Улар орасида станциялари кўپлиги бўйича Нью-Йорк (424 та), Шанхай (403 та), Пекин (370 та), Париж (308 та), Сеул (279 та), Лондон (273 та), Москва (263 та) каби шаҳарлар метрополитени етакчилик қилади. Каминага хизмат сафарлари давомида уларнинг аксариятидан фойдаланишга, бекатларининг ўзига хос ечимини қиёслаш ва вагонларидики қулайликлардан баҳраманд бўлишга тўғри келган. Лекин кейинги йилларда бу соҳада амалга оширилган лойиҳалар кўламини, айниқса, ер усти шаклида барпо этилган станциялар сони ва мезморий маҳабати билан таққослаганда, Тошкент шаҳри метроси дунёда санокли десак, ҳеч бир муболага қилмаган бўламиз.

“Дўстлик-2” ва “Қўйлик” ер усти бекатларини боғловчи узунлиги 11,5 километрлик 7 та станциядан иборат йўналишнинг биринчи қисми 2020 йил август ойида ишга туширилган эди. Айни пайтда биринчи бекатдан охиригисигача ўрта ҳисобда 19 дақиқада етиб олиш мумкин.

Уша йили декабрь ойида узунлиги 6,3 километр бўлган Чилонзор йўлининг Сергели тармоғи очилди. Шу тарихий пойтахтимизда қурилиб, фойдаланишга топширилган ер усти метро йўналишлари йўловчилар узогини яқин, мушкулани осон қилдиётган, улар учун қулай ва асосий транспорт турига айланиб қолди. Бугун йўловчилар оқимининг кўпчилиги эса бу ишлар ўзини тўла оқлаётганидан далолат беради.

Лойиҳага кўра, ер усти ҳалқа метроси қурилишининг иккинчи босқичида Қўйликдан Сергелига қадар бўлган йўналишни узайтириш кўзда тутилган эди. Дастлаб Қўйликдан Сергелининг “Курувчилар” массивигача 5 та янги станциядан иборат, узунлиги 8,5 километр бўлган йўналиш барпо этилди. Ушбу йўналишида яна 2 та станция қурилиши ниҳоясига етган, иккинчи босқичнинг умумий узунлиги қарийб 12 километрни ташкил этди.

Мутахассисларнинг қайд этишича, қурилишининг мустақамлиги, бекатларда одамлар учун замонавий, электрон хизматларни йўлга қўйишга алоҳида аҳамият қаратилди. Темирйўлчилар томонидан ушбу

йирик лойиҳа ҳар томонлама пухта ўйланган режа асосида, энг муҳими, халқаро талабларга таянган ҳолда амалга оширилди. Туну кун қилинган меҳнат, зарур маблағ ва пойтахт ҳаётига дахлдорлик ҳисси ўз самарасини берди. Юнусобод ва Қўйликни улаган йўналишдаги метро поездлари бугун йўловчиларнинг узогини яқин қилапти.

— Ер усти метро йўналишининг иккинчи босқичи тўла ишлаб босилди, улар ора-

Яшнобод, Миробод, Сергели ва Янгиҳаёт туманларидаги 55 та маҳаллада яшовчи 220 минг аҳоли қамраб олинган эди. Янги иккита метро бекатининг иш бошлаши натижасида Сергели ва Янгиҳаёт туманларидаги яна 7 та маҳаллада яшовчи 31 минг аҳолига метрополитендан фойдаланиш имконияти яратилди.

Бунинг ҳисобига шахсий транспортларга эҳтиж камайиб, тирбандликнинг олди олинди. Хусусан, Қўйлик — Сергели йўнали-

ишга туширилди. 15 та замонавий метро поезди, 36 та янги вагон олиб келинди, куннинг тигиз вақтида поездлар келиш вақти аввалги 5-7 дақиқадан 2 дақиқачага қисқарди. Янги йўналишлар пойтахтимизнинг Яшнобод, Миробод, Сергели, Янгиҳаёт ва Юнусобод туманларидан ўтиб, аҳолининг кундалик қатновига қулайлик яратди.

Энди эътиборингизни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Бекмирза

Ундан кейинги 27 йилда (1991-2017 йилларда) фақатгина Юнусобод йўналишининг бир қисми қурилиб, 6 та бекат ишга туширилган. Уша даврларда жами 49 та метро поезди ҳаракатланиб, 2001 йилдан буён янги вагонлар олиб келинмаган эди.

Охириги 7 йилда эса пойтахт метрополитени инфратузилмасини ривожлантириш мақсадида қўшимча ер ости ва ер усти метро йўналишлари ҳамда метрополитен бекатлари

зилди ҳамда 19 та станцияни ўз ичига олувчи “Сергели” ва ҳалқа ер усти йўналишлари фойдаланишга топширилди.

Статистика агентлиги маълумотларига кўра, 2023 йилда Тошкент метрополитенида бир кунда ўртача 445,9 минг йўловчи ташилган ва бу 2022 йилга таққослаганда 19 фоизга ошган.

Шу йил бошига қадар Тошкент шаҳрида 5 миллион аҳоли бўлиб (доимий истиқомат қилувчилар — 3,02 миллион, кунлик шаҳарга келиб-кетувчилар — 1,5 миллион, вақтинчалик яшовчилар — 0,48 миллион), шундан мобил (ҳаракатдаги) аҳоли сони ўртача 3,5 миллион кишини (1,8 миллион иш билан банд аҳоли, 0,4 миллион талаба, 0,5 миллион ўқувчи ва 0,8 миллион бошқалар) ташкил этган.

Ўтказилган таҳлилларга (транспорт макромодели) кўра, пойтахтдаги мобил аҳолининг кунлик ҳаракатланиши (қатнов) сони ўртача 9 миллионга ташкил этиб, шундан 6 миллион қатнов транспортда амалга оширилди. Уларнинг 1,7 миллиони (28 фоиз) жамоат (автобус, метро) транспортга (2022 йилда 0,8 миллионга), 4,3 миллиони энгил автотранспортга тўғри келмоқда.

Тошкент метросининг йўловчи ташиш сони тобора ортиб борапти. Сўнгги йилларда унинг миқдори беш карра ошиб, ўтган йил охирига келиб, кунига 750 мингтага яқинлашган эди. Шу йилнинг 5 март куни эса бу рақам 900 мингдан ошди. Табиийки, янги бекатлар ишга туширилиши ва ер усти метро ҳалқа йўлининг тўла бир бутун занжирга айланиши тез орада бу кўрсаткич бир миллионлик маррага етишига ҳам имконият яратди.

Метронинг истиқболли ҳақида гап борганда ўтган йил сентябрь ойида бўлиб ўтган тақдиримизда Президентимиз Буюк Британиянинг “Cross Works” компанияси томонидан тайёрланган Тошкент ва “Янги Тошкент” қўшма лойиҳасини маълумлагани ёдга келди.

“Ушбу улкан лойиҳа учун Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ ва Ўрта Чирчиқ туманларидан 19 минг 720 гектар ер танлаб олинган. Биринчи босқичда 2,5 минг гектарда 100 минг аҳоли учун уй-жойлар ва инфратузилма объектлари қуриш режалаштирилган. Тузилган янги дирекция томонидан етакчи хорижий компаниялар жалб этилиб, ривожланган мамлакатларда муваффақиятли синовдан ўтган амалиётлар асосида Бош режа, тармоқ режалари ва манзилли дастурлар ишлаб чиқилмоқда”, дея хабар берганди Президент матбуот хизмати.

“Янги Тошкент” шахрини барпо этиш дирекцияси директори Давронжон Одилов Ўзбекистон ҳукумати Тошкент ва Янги Тошкентни иккита метро линияси билан боғлашни режалаштираётганини айтди, “Тошкентнинг транспорт модели яратилди, у макромодель, дейлади. Янги шаҳарга иккита метро линияси — “Буюк Ипак йўли” ва “Дўстлик” бекатлари орқали боғланади, 30-35 дақиқада етиб келиш имконияти яратилади”, деган эди.

Бунёдкорлик

МАНЗИЛГА БИТТА ТРАНСПОРТ ОРҚАЛИ ЕТИШ МУМКИН

Буни йўловчилар катта мамнуният билан эътироф этмоқда

Фасллар келинчаги билан бирга кириб келган моҳи Рамазон дилларни қувонтириб турган бир вақтда халқимизга яна бир тухфа ҳозирланди.



МАЗКУР QR-KOD ОРҚАЛИ ВИДЕОГА ЎТИНГ.

Янги бекатларни қўриш, одамларнинг таасуротларини билиш мақсадида манзилга етиб бордик. Аввал “Қипчоқ” бекати-га кирдик. Босиб, у ер усти ҳалқа йўлининг сўнгги бекати бўлиб, ундан “Сергели” йўлининг “Чинор” бекатига қўтиб кетиш ҳам мумкин. Янги бекатда одам кўнанимиздан кўра гаважум.

— Икки ойдан бери шу бекатлар ишга туширилиши кутаётганим. Аллоҳга шукр, ўша кун келди, — дейди Абдусамид ота. — Ўзим шу ерга яқин жойда яшайман. Аввал “Курувчилар” бекатида тушиб қолиб, уймайга келиш учун яна автобусга чиқишимга тўғри келарди. Энди фақат метронинг ўзида келаман. Шу жиҳатдан менга жуда осон бўлди.

Кўчаларда транспорт тирбандлиги охирига бораётган шароитда метро жуда қулай. У орқали манзилга узоқ кутишларсиз, бир зумда етиб олиш мумкин. Аксарият ривожланган ва катта шаҳарларда метрога устулик берилиши боиси шунда.

— Янгилири очилиши ҳисобига Тошкент метрополитенидаги бекатлар сони 50 тага етди. Шундан 19 таси ер усти,

31 таси ер ости бекати, — дейди “Тошкент метрополитени” ДУК матбуот хизмати раҳбари Тўйчи Мирзаев. — Уларнинг умумий узунлиги қарийб 72 километрни ташкил этапти. Бу жиҳатдан Тошкент метрополитени МДХда 3-ўринда турибди. Очиги, бу катта кўрсаткич. Асосийси, юртимизда жамоат транспортга устулик бериш, одамларнинг қулай, хавфсиз транспорт воситаларидан фойдаланишга бўлган талабини қондиришда бу йўналиш катта ўрин эгаллапти. Таҳлилларимизга кўра, бир кунда ўртача 800-900 минг йўловчи метродан фойдаланапти. Шу йилнинг 5 март куни Тошкент метрополитени илк бор 900 мингдан зиёд йўловчи хизмат кўрсатиб, тарихий натижани қайд этди. Янги бекатлар ишга тушиши ҳисобига кўрсаткич яна ортади. Метрода йўловчиларнинг ҳаракатланиши оралик интэрвали ҳам анча қисқарган.

Замонавий, кўрак бекатлар бўйлаб юрарканмиз, қўлимизда микрофони кўрган киши борки, ёнимизга келиб, қувончини сўзлай кетди. “Янги метро бекатла-

лиқсиз манзилга бир зумда етиб келдим. Қайтишда ҳам шундай қулай бўлишини ўйласам, қувонгиман”.

Ер усти ҳалқа йўлининг янги бекатлари бошқа шу турдагилари каби эстакада усулида қурилган. Бекатни безатиш ишларида ҳам хавфсизлик нуқтани назардан ер ости метро бекатларидаги каби оғир материаллар, мрамор тошлардан фойдаланилмаган. Эстакада усули айнан энгил конструкцияларни назарда тутиб, метро бекатларининг зийлибардошлигини оширишда ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Умуман, метро бекатларида хавфсизлик талаблари доим зарур. Одамлар чекка томондан сариқ чизикларни босмаслик талабига риоя этиши шарт. Ногиронлиги бўлган кишилар учун эса сариқ чизик ёнига махсус бўртмалли йўлак қилинган. Уни босганда, бўртмаларни дарҳол пайқаш мумкин.

— Янги бекатлар очилишини бир неча ойдан бери кутаман, — дейди коллеж ўқувчиси Ширин Бахтиёрова. — Чунки анча олдин очилиши айтилган эди, аммо аввал синнов тарихида ҳаракатланаётган экан. Кеча қараганимда ҳам йўловчиларсиз юраётган эди. Бугун эса ниҳоят ишга тушди ва очилиши шу кунга насиб қилган экан. Жуда хурсанд бўлдим. Чунки ўзим “Қипчоқ” бекати ёнгинасида яшайман ва энди битта метро транспортда ўқишга қатнайман. Бу ҳам вақтим, ҳам нақдимни тежайди.

Тошкент шаҳрида аҳоли сони меҳмонлар, сайёҳлар ҳисобига ҳам кун сайин кўпайиб борапти. Демак, метродан фойдаланишга ҳам талаб ортиб бораверади. Тошкент метрополитени эса йўловчиларга хизмат кўрсатиш сифатини доимий ошириш ҳаракатида. Шу мақсадда май ойи охирига қадар яна 20 та замонавий метро вагони олиб келиниши режалаштирилган.

Ибодилла Холматов ҳам нафақада. Ўзи Ангрэн шаҳрида яшайди. Шахсий юмушлари билан кўпчилик Сергели туманига қатнар экан. Унда ҳам метродан автобусга ўтириш каби қийинчиликлар бўлган. Бу гал эса у манзилгача тўғри метрода келди ва бундан ниҳоятда қувонаётганини яширмади: “Иккита янги метро бекати очилганини кўриб, хурсанд бўлиб кетдим. Шундай улғ кунларда очилгани янада қувонтирди. Салқингина вагонда, ортқича оворагарчи-

Ирода ТОШМАТОВА,
“Янги Ўзбекистон” мухбириАбдурауф ҚОРЖОВОВ,
шаҳловчи



Мунира ҚАХҚОРОВА,
Ўзбекистон халқор ислом академияси бўлим бошлиғи, фалсафа фанлари бўйича фалсафа доктори

Бугунги болаларнинг кун тартибиди интернетсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Интернет болалар ҳаётига илҳ ёшидан оқиб кириб келмоқда. Бунга ота-оналарнинг ўзи йўл қўйиб бераётди. Оилаларда онлайн муҳит шаклланиб, болалар билан ота-она ўртасидаги муносабат ҳамда мулоқотлар виртуаллашмоқда.

Ҳўш, боламизнинг қўлига телефонни бердик, лекин ундан қай мақсадда фойдаланиши вақтида ўргата олдикми? Ўргатиш технологиялари ишлаб чиқилди? Жавоблар мавжуд. Улар интернет тармоқлари орқали ўзича ўрганиб, ўзлаштирмоқда. Демак, бугунги кунда интернет “муаллим”лари фаолилашган. Бизнинг тарбиячи муаллимларимиз интернет муаллими бўла олмайти. Болалар учун интернет платформалари яратилмаган.

Президентимиз раислигида жорий йил 5 февраль куни ижтимоий соҳалардаги устувор вазифалар муҳофазаси юзасидан ўтказилган видеоселектор йиғилишида ҳам мактабда давоматта, тарбияси оғир ўқувчиларга алоҳида эътибор қаратилиши зарурлиги, бунда ота-оналар ва маҳалла раисларининг масъулияти оширилиши таъкидланди. “Мактаб — ота-она — маҳалла” занжири асосида электрон мулоқот платформаси ишлаб чиқарилиб, болаларнинг доимий онлайн назоратини ўрнатилиши вазифа қилиб белгиланди. Шу билан бирга, ёшлар ўртасида оммалашган ижтимоий тармоқлар ҳар томонлама гоъвий-мафқуравий таҳлил қилиниб, уларнинг зарарли таъсиридан ҳимояланиш ва ижобий томонидан фойдаланиш чоралари кўрилиши зарурлиги топирилиб белгиланди. Шуниингдек, ота-оналар учун фарзанд таълим-тарбияси бўйича халқчи тилда қўлланмалар тайёрланиши мақсадда мувофиқлиги таъкидланди.

“Бу ташаббуслар йўлга қўйилса, мактаб таълими бўйича ота-онани масъулият, ўқитувчида мажбурият, ўқувчида ишонч, таълим ва тарбияда сифат, маҳаллада эса назорат бўлади”, деди давлатимиз раҳбари.

Виртуал ўйинлар ортидаги фожиа

Таҳлилларга кўра, бизга беозор кўринадиган “Конгр”, “Дота”, “Жета”, “Конгр страйк”, “Варкрафт”, “Бой без правил”

Интернет — таълим-тарбия учун улкан имкониятлар майдони. Фақат ундан тўғри фойдаланиш керак. Ҳар бир ота-она фарзанди мустақил фикрловчи, дадил, уддабурон, чуқур билимли, қатъиятли, меҳрибон бўлишини истайди. Бу эса ўз-ўзидан бўлавермайди. Тарбияни бир зум ҳам унутмаслик билан эришилади.

МУЛОҲАЗА

“ Болалар таълим-тарбиясида биз маънавий ва маърифий уйғонмас эканмиз, фарзандларимизни ўзгалар “уйғотади”. Натижада маънавият ва маърифатдан йироқлашган жамиятнинг шаклланишига сабабчи бўлиб қолишимиз мумкинлигини англашимиз керак. Маънавиятдан йироқлашган қалбларни ёвузлик эгаллайди, шуни унутмайлик!



УЙҒОНМАС ЭКАНМИЗ, ФАРЗАНДЛАРИМИЗНИ ЎЗГАЛАР “УЙҒОТАДИ”

ёхуд маънавиятдан йироқлашган қалбларни ёвузлик эгаллайди

Тўртинчидан, болангизга ижтимоий тармоқдан ҳужум бўлганими ёки уни реал ҳаётда бирор жойга учрашуга тақлиф қилишганими? Уша бегона шахс ҳақида у қандай маълумотларга эга? Хавф-хатарлардан огоҳлантиринг. Нималар қилишни ва қилмаслиқни уқитинг. Бу ҳақда фарзандингизни ҳам тингланг, қўшимча маълумотларни сайтдан олиб ўрганинг. Унинг тармоқдаги ўртоқлари, танишлари рўйхатини, қандай хабарлар айланётганини текширинг. Зарур бўлса, маълумотлардан нуқса олинг. Эртага бу маълумотлар ҳуқуқ-тартибот органларига мурожаат қилганингизда керак бўлиб қолиши мумкин. Агар болангиз сиздан нималарнидир вираётганини сезсангиз, мутахассислар билан боғланг. Улар сизга қаерга, қандай шаклда мурожаат қилиш мумкинлигини айтиди.

Бешинчидан, уйдаги компьютерингизга антивирус дастурини ва махсус почта филтрларини ўрнаттириг. Фақат лицензияланган дастурлардан, ишончли манбалардан фойдаланиг. Ҳеч қачон шубҳали ва нотаниш манзиллардан юборилган жўнатмаларни очманг. Фарзандингизга интернетга киришга руҳсат беришдан олдин уни вируслар, зарарли дастурлар, хавфли сайтлар, интернет фирибгарлари, хавфлар тўғрисида огоҳлантиринг. Интернетга кириш ва фойдаланиш вақти, у қирадан сайтларни аниқ белгилаб беринг. Шуниингдек, кунига 30 дақиқадан ортиқ компьютер ўйнаш соғлиғига жиддий зарар етказиши ҳақида ҳар кунни тушунтириб бориң. Масалан, кўриш қобилияти пассивлаштирилиши аниқланди.

Олтинчидан, бегона маълумот пайдо бўлса, тезда сизга мурожаат қилиш шартлигини айтинг. Онлайн танишлари билан сизсиз ёки бирор катта киши ёнида бўлмаса, учрашмасликни тушунтиринг. Унинг камил билан мулоқот қилаётганини билиб юринг. Болангизга интернетда кўп оқ, ҳақоратли сўзларни ёзмалиқни, ўқимасликни ўргатинг. Сиз ўрнатган қондаларга фарзандингиз амал қилаётганини назоратга олинг. Талабларни унинг ёшидан келиб чиқиб қўйинг.

Еттинчидан, тобе бўлган болаларга бирданига компьютер ўйинларини ўйнашни чеклаш мумкин эмас. Аксинча, компьютер ўйинлари ўйнаш вақтини ҳар кунни камайтириб бориш

билан тобелиқдан халос қилинади. Рақамли дунёда фарзандингиз хавфсизлигини таъминланг. Ҳар бир бола тарбиясида масъул эканлигини унутманг! Интернетдан болалар учун мўлжалланган мантқиқий фикрлашга ундайдиган ўйинларни топиб, уларни бирга ўйнаг. Онлайин қадриятлар акс этган фильмлар қидириб, уларни фарзандларингиз билан бирга кўринг. Болалар ва ёшлар билан уларнинг ёшига мос келадиган ва вақт ўтиши билан ўзағариши керак бўлган мавзуларда мунтазам, самимий, очик мулоқотни ташкил этинг.

Москва давлат университети Интернетни ривожлантириш жамғармаси ходимлари томонидан ўтказилган “Россия болалари онлайнда” тадқиқотига кўра, ҳар бешинчи ўқувчи кунига 5 соатдан кўпроқ вақтини интернетда ўтказди ва сўровда қатнашган ҳар ўн иккинчи ўсмир интернетда яшашини таъкидлайди. Мактаб ўқувчиларининг 90 фоиздан ортиғи ота-оналари, ўқитувчилари ёки яқин атофдаги бошқа оқсоқоллар назоратини интернетга қиради. Касперский лабораториясини тадқиқотчилари эса бошлангич таълимдаги болаларнинг 93 фоизи ўз смартфонига эгаллигини аниқлади. Ўсмирлар эса бусиз бир қадам ҳам боса олмайдди. Сўровда қатнашган болаларнинг деярли 80 фоизи кундалик тартибиди ушбу гаджетларга сиздан олмаслигини билдирган. Шуниингдек, ушбу лабораториянинг болалар интернет хавфсизлиги бўлими раҳбари Андрей Сиденко: “Интернет болалар кундалик ҳаётининг бир қисмига айлангани учун ота-оналари билан жанжали камайган. Авваллари бундай низолар ҳар учинчи оилада бўлар эди”, дейди. Шуниингдек, интернетда зўравонлик видеолари дуч келадиган болалар, асосан, 7-10 ёшлилардир. Бу ёшдаги болалар интернетни фаол ўрганишни бошлаганида ана шундай видеоларга аксарият ҳолларда тасодифан дуч келади. Аммо баъзи болалар ота-оналарига ёқмайдиган видеоларни атайлаб томоша қилишини тан олади.

Индонезиядаги статистик маълумотларга кўра, болаларнинг 20 фоизи, яъни ҳар бешинчи интернет орқали бегоналардан безовта қилувчи хабарлар олмақда, ҳатто тўғридан-тўғри таҳдидларга учрамоқда. Шу сабабли таҳдидчилар интернетда сарфланган вақтини

ота-она белгилаб бериши шартлигини таъкидламоқда. Яъни кичик мактаб ёшида кунига 1 соатдан, катта мактаб ёшида 3 соатдан ошмаслиги керак. Американинг Common Sense Media мустақил таҳқиқотлари кўрсатадики, коронавирус пандемиясидан кейинги икки йил ичида болалар (8-12 ёш) ва ўсмирлар (13-18 ёш)нинг оммавий ахборот воситаларидан фойдаланиши аввалги тўрт йилдагига қараганда тез ўсган. 8 ёшдан 12 ёшгача бўлган болалар кунига ўртача беш ярим соат вақтини экран ва интернетда ўтказди. Ўсмирларда бу кўрсаткич кунига саккиз ярим соатдан ошди.

Ўсмирларнинг 79 фоизи ижтимоий тармоқлар ва онлайн видеолардан ҳафтага камидан бир марта фойдаланишини айтиб, уларнинг 32 фоизи “YouTube” сиз яшашни истамаслигини билдирган. Бошқа бир сўровда эса 12 ёшгача болалари бўлган ота-оналарнинг 71 фоизи фарзандларининг экран олдига жуда кўп вақт ўтказишидан хавотирда эканини баён этган. Фарзандингизнинг интернетдан ортиқча фойдаланиши қуйидаги хавфларни келтириб чиқаради.

Уйқуси етарли бўлмайди. Медиадан фойдаланиш уйқуга ҳалақат беради. Ётоқхонасида телевизор, компьютер ёки мобил курилма бўлган болалар ва ўсмирлар кеч ухлайди. Экранлардан огоҳлантирувчи контент уйқуну кечиктириши ёки бузиши ва таълим-тарбиясида салбий таъсир кўрсатади.

Семириб кетади. Интернетдан ҳаддан ташқари кўп фойдаланиш семизлик хавфини оширади. Кунига 1,5 соатдан ортиқ вақт интернетда ўтириш 4 ёшдан 9 ёшгача болаларда семириб кетиш учун хавф омиллидир.


Ўрганиш ва ижтимоий кўникмалардаги кечиктирилган. Ота-оналари ва оила аъзолари билан кам мулоқот қилиш оқибатида болалар интернетга берилиб кетиб, улар диққат фикрлаш, тил ва ижтимоий кўникмаларда кечикади.

Мактаб фаолиятига салбий таъсир. Болалар кўпинча уй вазифасини бажариш ўрнига интернетда кўнгличар видеолар кўради, ўйинлар ўйнайди. Бундай кўп вазиқалилик уларнинг мактабда ўқишига ва билим олишига салбий таъсир қилади. Билим даражаси пастлаб кетади.

Хулқ-атвор муаммолари. Интернетдаги зўравонлик контенти болаларнинг хулқ-атвори билан боғлиқ муаммоларга сабаб бўлиши мумкин, чунки улар кўрган нарсаларидан кўриб, саросимага тушади ёки ўзин қаҳрамонларига тақлид қилишига интилади. Уларда одоб-ахлоқ қондаларига риоя қилиш ҳолати бузилади.

Хавфли ҳатти-ҳаракатлар. Ижтимоий тармоқлардаги ўсмирлар кўпинча хавфли ҳатти-ҳаракатларни кўрсатади, масалан, гнѐвандлик моддаларни истеъмол қилиш, ўз-ўзига шикаст етказиш ёки тартибсиз кийиниш ва овқатланиш қабилари ҳаётида қўлаши мумкин. Натижада болалар ўртасида тақлид кучайди. Нега мен буни қила олмаман, деган савол кундалик тартиб-қондаларни ўзгартиради.

Ҳар йили “Хавфсиз интернет кунини”ни 170 га яқин мамлакат нишонлайди ва бу тадбирлар орқали бутун дунё бўйлаб миллионлаб одамни қамаб олишга эришилади. Интернет бўйича Европа стратегияси



болаларга яхшироқ ва хавфсизроқ онлайн муҳитни яратишга ёрдам бериш учун молиялаштириш, мувофиқлаштиришда қатор қўшимча чора-тадбирларни тақдим этди. Уларнинг асосий вазифаси вояга етмаганлар, ота-оналар ва ўқитувчилар ўртасида хабардорлиқни ҳамда рақамли саводхонликни оширишдан иборат. Шуниингдек, мазкур стратегия болаларни интернетдаги жинсий зўравонлик материалларидан асрашга қаратилган.

Энг асосий намуна — ота-она

Интернет — таълим-тарбия учун улкан имкониятлар майдони. Фақат ундан тўғри фойдаланиш керак. Ҳар бир ота-она фарзанди мустақил фикрловчи, дадил, уддабурон, чуқур билимли, қатъиятли, меҳрибон бўлишини истайди. Бу эса ўз-ўзидан бўлавермайди. Тарбияни бир зум ҳам унутмаслик билан эришилади.

Бола ўқиш-ёзишни китоб, дафтар билан, хулқ, одоб, кучли характерни бошқалар мисолида, намунасида ўрганади. Ота-она унга биринчи ибратдир. Ҳар ота “Овқатланишдан олдин қўлиниги юв”, деб ўзи қилмаса, болангизни қанча уришманг, онг остида отага тақлид қолаверади. Чунки эшитилмаётган талаб ва кўраётган ҳаёт орасида зиддият пайдо бўлади. Бу зиддият унда тушунмовчилик ва қаршиликни келтириб чиқаради. Ҳар бир оиланинг ўз тарбиявий тушунчалари, муҳити бор. Шуниинг учун бошқаларда қандайлигини кузатиб, ўрганиб бориш керак.

Болалар таълим-тарбиясида биз маънавий ва маърифий уйғонмас эканмиз, фарзандларимизни ўзгалар “уйғотади”. Натижада маънавият ва маърифатдан йироқлашган жамиятнинг шаклланишига сабабчи бўлиб қолишимиз мумкинлигини англашимиз керак. Маънавиятдан йироқлашган қалбларни ёвузлик эгаллайди, шуни унутмайлик!

Янгилик

ЧИҚИНДИДАН ЗАРУР ХОМАШЁ



Бугунги кунда “Ўзбекистон металлургия комбинати” акциядорлик жамияти ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилма жиҳатидан ривожланиб, етакчи санаот корхоналарини сафидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Кейинги йилларда Президентимизнинг Бекободга уч марта ташриф буюриб, бу ерда олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиши, шубҳасиз, кўп минг кишилик комбинат жамоасига янада куч-ғайрат бағишлади.

бошланди. Яъни фаолиятимизда бир қатор устувор вазифалар белгиланиб, комбинатни мамлакатимиз иқтисодий ҳаётида ижтимоий ҳаёти учун манфаатли бўлишига айлантириш, ишлаб чиқариш қувватларини ошириш ишлари бошланди.

Бу вазифалар қаторида ишлаб чиқаришнинг экологияга салбий таъсирини камайтириш ҳисобига ҳам мавжуд. Маълумки,



жаҳонда ҳар йили қаттиқ манций чикинди-лар микрони ҳоли жон бошига нисбатан 1 фоизга ошиб бормоқда. Энергетика, рангли ва қора металлургия, кимё санаоти ва қурилиш индустрияси объектлари чикинди ҳосил

қилувчи, атоф-муҳитни ифлослантирувчи асосий манбалар ҳисобланади. Табиат муҳофазаси меъерлари тобора кучайиб бораётган бир даврда санаот чикиндилари утилизацияси муаммоси ҳар қачонидан-да долзарб. Шу

мақсадда комбинатда пўлат эритиш жараёнида ҳосил бўладиган шлак қолдиқларини қайта ишлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда иссиқ ҳолдаги шлакларни қайта ишлаб, металл ажратиб олиш технологияси йўлга қўйилган. Бу ҳам экологик, ҳам иқтисодий жиҳатдан яхши самара беради. Ушбу технология туйфайли комбинатда шлак уюмларининг ҳажми камайиб, пўлат эритишдан қўшимча хомашё олиш ортмоқда.

Ютуқларимиз қаторида “Ўзметкомбинат” АЖ ва “Навий кон-металлургия комбинати” АЖ ҳамкорлигида ишлаб чиқариш кооперацияси алоқалари доирасида Ўзбекистонда биринчи марта оғирлиги 42 тонна бўлган бутловчи қисм тайёрланмасини ишлаб чиқариш ўзлаштирилгани ҳам бор. 2022 йилдан шу пайтгача “Ўзметкомбинат” АЖ томонидан жами 8 донна шундай бутловчи қисм тайёрланди.

Бугунги кунда бозор муносабатлари металл прокати маҳсулотининг сифатига юқори талаблар қўймоқда. Комбинатнинг барча маҳсулотлари ҳақиқий сертификат синовла-

ридан ўтган. Навли прокат, пўлат золдирлар, сирланган пўлат идишлар ва бошқа маҳсулотлар сертификати яқин ва узоқ хорижий давлатлар истеъмолчилари томонидан юқори баҳоламоқда.

Бунёдкорлик қўлами кенгайгани сари металл прокати маҳсулотларига талаб янада ортиб бораётди. Шу туйфайли комбинат йилдан-йилга юқори сифатли металл прокати маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмини ошириб, маҳаллий истеъмолчилар ҳамда экспорт буюртмаларини самарали бажариб келмоқда. Корхонада 2023 йилда 920,7 минг тонна пўлат эритилиб, 1 миллион 28,1 минг тонна прокат маҳсулотлари тайёрланди. Буларнинг бари юртимизда амалга оширилаётган илоҳотлар самараси сифатида комбинат жамоасини янги меҳнат зафарлари сари руҳлантиради.

Исмадиёр МАМАТҚУЛОВ,
“Ўзметкомбинат” АЖ
мактаб хизмати мутахассиси



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



yuz

Уйғоқ фикр

“ЎЗ ЮРТИДА ЎЗ ОНА ТИЛИН, УНУТТАНЛАР СИЗНИ ЭШИТСИН”



Ҳар қандай миллат қиёфасининг икки муҳим кўрки-зийнати бўлади: бири миллий ғурур, бири она тили. Бироқ дунёда гоҳ унисидан, гоҳ бунисидан айрилган, кўп ҳолларда ҳар иккисидан ҳам мосуво бўлиб яшаётган ёки атайин жудо қилинган халқлар, миллатлар кўп.



Рустам БОЙТЎРА, журналист

Дунё тиллари бўйича йирик каталог — Ethnologue маълумотларига қараганда, бугунги кунда дунёда 142 та тил оиласига мансуб беш мингдан ортиқ тил мавжуд. Энг ачинарлиси, тахминан ҳар ойда уларнинг иккитаси йўқ бўлаёттир. Чунки ўша тилни биладиган, шу тилда гапирадиган охириги инсон вафот этмоқда.

Шукрки, она тилимиз ҳам расман ўз ўрнида, ўз макеида. Бу Бош қонунимизда ўта зарур мақомда муҳраб-таъкидлаб қўйилган. Аммо уларни фақат сурат каби деворга осиб қўйишнинг ўзи етарли эмас, фақат дарсликлар ичида наватбадга тадбирдорликларда эслаб туриш кифоя қилмайди. Бу икки ўзликни жон каби юракда олиб юриш, жон каби

эҳтиёт қилиш, оёқости бўлишдан асрай бишли лозим. Миллий ғурури, она тили бўлмаган халқ ва миллатнинг жони ҳам йўқ.

Бизда кўпинча ватан билан давлат тушунчалари чалқаштирилиб, янглиш англади. Аслида, давлат муайян ҳудудда жойлашган мамлакат, бошқа маъноси — юрт тақдир учун масъул, унинг келажига жавобгар бошқарув тузилмаси. Лекин эл-юртни севиш, бу туйғуларимизни шакллантиришда биз ҳамма ишни давлат бажаради, деб ҳисоблаймиш ва шу ерда улкан, тузатиб бўлмас хато қиламиш.

Давлат ўз ваколати доирасида, масалан, она тилини давлат тили сифатида қонуларда белгилаши, уни мамлакат ичкарисини ва ташқарисинида ҳимоя қилиши, беҳурмат қилганларни жазолаши мумкин. Аммо энг кучли давлат ҳам ҳеч қачон халқнинг юрагига мажбурлаб она тилини сола олмайди. Бу халқнинг, миллатнинг юраги, тафаккури ва ғурурига боғлиқ.

Ўз она тилини билган ҳолда уни паст баҳолаб, ажнабий тилда гапиришни фазилат санайдиган, ажнабий тилни билмагани учун миллатдошини қоқоқ ҳисоблайдиган, қора иши бўлиб мусофирда юргани сабабли бошқалар тилида чала гапириб, кулгига қолган элдошини ҳимоя қилмайдиган миллатда юқорида айтилган миллий ғурурга пугтар етган бўлади.

Кейинги пайтларда, умуман, анчадан буён алифбони ислоҳ қилиш масаласи бот-бот кун тартибига чиқяпти. Аммо узил-кесил ҳал қилишга ё давлат томонидан рағбат йўқ, ё халқнинг иродаси етишмаяпти.

Эхтимол, алифбони ислоҳ қилиш муҳимдир. Бироқ ундан олдин ўша алифбога, унинг ҳар бир ҳарфида акс этадиган она тилимизга, унинг замирида турган миллий ғурурга,



миллий ғурурни пайдо қиладиган ўзгичимизга ҳурматни, дунёқарашимизни ислоҳ қилиш зарурга ўхшайди.

Алифбо билан бутун-бутун авлодлар савдо чикаради. Аммо агар акс натижа берса, қанча-қанча авлодлар бутунлай саводсиз бўлиб қолади. Шунинг учун унга оломончилик қайфияти ёки бефарқлик муносабати билан эмас, донишманд халқ диди ва ақли билан ёндашмоқ лозим.

Кудудқан сув тортиб ичиш учун ҳадеб арқонни ангилайверган билан унга боғланган челек тешик бўлса, уринишлар беҳуда кетаверади.

Бировга бировни мажбурлаб яхши кўрдириб бўлмагани каби халққа ҳам ўз ватанини, она тилини зўрлаб севдириш имконсиз. Аксинча, Ватан ва она тилини севиши, ардоқлаши учун халққа кўпроқ шароит ва рағбат бериш, яхши кўриши учун сабабларни кўпайтириш лозим.

Биз эса Бош қонунимизда мутлақо бошқа юксак мақом берилганига қарамай, баъзан тилимизни ўзимиз менсимаймиш. Кўчаларда, ҳатто бирорта ўзга миллат вакили яшайдиган ғирт ўзбек маҳаллаларида ҳам одамлар кўзига хорижий-ажнабий сўзларни тиқштириш, юртимизга бирор меҳмон келса, унга нимани исботламоқчимиз билмайман-у, аммо билсак-билмасак, унинг тилида гапиргимиз келади. Агар бирорта ажнабий жилмайиб туриб, “Сенинг тилингни билмайман”, деса ўзимизни ҳақир санаб, таржмон ахтарамиз. Ваҳоланки, у она тилимизни биладиган мутахассисни ўзи топиши керак, аслида!

Энг қизиги, давлатимиз раҳбари БМТнинг олий минбарида она тилимизда нутқ сўзлагани учун тўлқинланиб кетамиз-у, уйда — олдин оила шароитида ўзимиз керак бўлса-булмасак, ажнабий сўз қўшиб гапирамиз. Бу қанақа парадокс!

Бу шундай ҳолки, миллионлаб халқ кўрадиган телевидение тилини назорат қилмаслик, она тили ҳақида ботмонлаб мақолалар эълон қилиб, адабий тилда гапирган одамни китобийликда айблаб масх аралаш, бозорда ёки кўча тилида пайдо бўлган, урфга кирган ёввойи сўзларни катта-катта идоралар минбарига чиқариш, улар ёзаётган жиддий-жиддий хат-ёзувларга кирishiга йўл қўйиш...

Булар икки ҳолда рўй беради: биринчиси — миллий ғурур ўлганда, иккинчиси — бефарқлик ҳаддан ортиганда.

Ҳар нарсанинг муҳимлиги даражаси мавжуд. Инсон учун, унинг жисмоний ҳолати учун сув ва ҳаво қанчалик зарур бўлса, инсонлардан — фуқаролардан таркиб топган жамият — халқ учун ватан, тил, миллий қадриятлар шунчалик зарур. Биз эса бу тушунчалар нон ёки пулдек реал моддият бўлмагани учун кўп ҳолларда қийматини билмаймиш ва муҳимлиги даражасини англамаймиш.

Бир нараса аниқ дунёда ҳеч ким бизга қайғурмайди. Она ватанимиз, она тилимиз, ўзгичимиз ва қадриятларимиз учун жон чекиб ўтirmайди. Замонавий дунёда дўстлик ёки ҳамкорлик индий тушунча, яъни улар манфаатлар устига қурилади. Бунинг бир-бири билан талашаётган давлатлар мисолида кўриб туришимиз.

Демоқчимизки, бағримизга дўст қиёфасида кириб келиб, бизга унинг тилида гапиришни аввалига ишмоққоқ илтимос қилаётган, секин-аста маслаҳат бераётган, кейин эса ҳақдордек талаб қилаётганлар тиллодан уй кўриб берса ҳам уларга ҳушёр қарашимиз зарур.

Эҳтимол, тандирнон ўрнига “бутерброд” ёки “лаваш” ейишга ўтсак, бу унчалик катта фожиа эмасдир, бироқ ўз тилимизни қўйиб, кучаниб, улар тилида гапира бошласак, бу чинакам фожиа.

Бунинг бир бутун халқ бўлиб англаш учун маънавий фикрлаш даражасидан ижтимоий фикрлашга ўтиш лозим. Қўриб туришимиз, ҳозир халқнинг катта қисми тирикчилик

ташвишида, уй-жой, машина-улов, тўй-ҳашам даражасида. Биз гапирётган гоёсизлик ва бефарқликдан чиқиш учун уларга маънавий ҳаёт билан боғлиқ тинкақуриттар ташвишлари халал беради. Бу каби гаплар ва таҳлиллар уларга туман орасидан кўринади, мазкур ҳолатлар худди уларга мутлақо тегишли бўлмаган қайсидадир йиғилиш минбарига мансуб ҳолосдек туюлади.

Аслида эса энг оддий касбдаги инсон ҳам шу ватаннинг бўлаги, уларнинг ҳар бири ўз гоёси ёки гоёсизлиги билан ватан позициясини кўрсатиб туради. Шунинг учун уларда миллий ғурур даражасини биладиган ўшлар турши, керак бўлса, рағбатлар яратилиш ва миллиярдлар сарфлаш лозим. Бу ўринда ушбу миллиярдлар қандайдир тадбирлар баҳона ҳавога учмай, одамларнинг қундалик ҳаётига, бу орқали юрагига етиб бориши жуда ҳам муҳим.

Мен ўз тилимни, лаззатли лаҳжаларимни ажнабийларга пояндоз қилиб юборсам, кун келиб, маънавий-руҳий мустамлака бўламан-қоламан. Мен бунинг асло истамайман. “Ҳой, бу ватан, бу она тили, бу ғурур нонуштада қаҳва устида ўтириб, наридан-бери гаплашадиган гап эмас, бу миллат қайғуси!” дегим келади. Шу ўринда, она тилимиз учун том маънода қайғуриб яшган, халқимизнинг суюкли шоири Эркин Воҳидовнинг Вашингтон университети профессори Илза Сиртаутасга бағишлаб ёзган шеърини эслашим.

*Термуламан Илза хонимга,
Кўзларимга ишонмай ҳайрон.
Амриқоли хушрўй олма
Сўзлар эди ўзбекча равоном...
Келинг, сизни она юрт учун
Фидолар бир тинглаб қувонсин.
Бу қувончдан лекан бир умр
Жудолар ҳам қувонсин, ёнсин...
Ўз элати мейхридан дилни,
Ёт тутганлар сизни эшитсин.
Ўз юртида ўз она тилини,
Унутганлар сизни эшитсин.*

Ўлмас қадрият

Япон аёлга хунара ўргатган Зухра опа

Миллий брендларимиздан бири — каштачилик санъати, машҳур каштачилар фаолиятини ўрганаётган чоғимиз Япония Фанлар академияси кўргазмалар залида бухоролик халқ амалий санъати устаси, каштадўз Зухра Облобердиеванинг шахсий кўргазмаси очилганини эшитдик. Анча-мунча хунарманд кўргазма ўтказиши осон бўлмаган бу давлатга уни япониялик аёл Еми Имахори таклиф этган.



Зухра опа ақлини танибдики, каштачиликка меҳр қўйган. Бу ноёб санъат йўқолиб кетаётган собиқ тузум даврида ҳам Бухоро яхудиёлари қаҳрамонимизнинг онасига буюртмалар бериб турган. Бу эса Зухра опанинг каштачиликка қизиқиши янада ошиши, Низомий номидаги педагогика олийгоҳида рангшунослик, бадий графикадан таҳсил олиши, табиий бўёқлар буйича қайта ўқишига сабаб бўлди.

Каштадўз 1996 йилда тиккан сўзанани америкалик профессор сотиб олганди. Қаҳрамонимиз “Хунарманд” уюшмасининг илк аъзоларидан биридир.

ЎЗБЕК ВА ЯПОН ОИЛАСИНИ ЯҚИНЛАШТИРГАН МЕРОС

2003 йилда Ўзбекистон Фанлар академияси таклифи билан юртимизга келган Еми Имахори тўғри Зухра Облобердиеванинг уйига юборилди. Этнограф Еми хоним Зухра опанинг уйда икки йил яшаб, ўзбек тили, урф-одатларимиз, қадриятларимиз, пилладан

нималар олинишио бўзнинг қандай тўқилишигача ўрганган. У каштачиликнинг Шифиркон услубини, темируйиллар давридан ҳозиргача ўз мақомини сақлаб келаётган Шахрисабз каштачилиги, Нурота, Бойсун йўналишларини ҳам қизиқиб ўрганди. Япониялик шоғирд ҳар бир вилоятнинг ўз каштачилик йўналиши мавжудлиги, кашта чоклари, тикшиш ва услубларнинг турли-туманлиги ўзбек каштадўзаларининг буюк санъатидан далолат беришини кўрди. 20 йил давомида бу борадаги билимларини тақомиллаштирган Еми хоним айна пайтда Токио университети профессори сифатида каштачилик, пиллалчиликка доир тадқиқотлар қилиб келади.

— Олдимга келганида у 21 ёшда эди. Турмушга чиқмаганди. Ҳозир эса 45 ёшда. Ойлали, икки ўғли бор. Қарийб чорак аср Ўзбекистонга боғланиб қолди. Шу давр мобайнида табиий бўёқларнинг яратилиши, Бухороникидек иссиқ иқлимда қандай ранглари ишлашти кераклиги, каштадўзлик машаққатлари, умуман, менинг қундалик фаолиятимни ўрганди. Онам, яқинларим билан танишди.

Мен ҳам унинг ота-онаси, оиласи билан яқин бўлиб қолдим, ҳатто улар бизнига меҳмон бўлиб келган, — дейди Зухра Облобердиева.

КАШТАЧИЛИК МАКТАБИНИНГ ИФТИХОРИ

20 йилдан ошдики, Еми хоним ҳар икки йилда университетнинг осиешунослик факультети талабаларидан ўттизга яқинини Ўзбекистонга, Шифирконга олиб келади. Уларга, аввало, ўзбекона қадриятлар, қишлоқ аёллари билан мулоқот қилиш, сўнг табиий бўёқлар билан қандай ишлашни ўргатади.

Япон профессори, шунингдек, Шифиркондаги Ўзбекистонда ягона каштачилик мактаби тарихи ҳақида ёзди. Шу ўринда, биз ҳам мазкур мактаб тарихига қисқача тўхталишни жоиз билдик. 1992 йилда Бухоро вилоятида бўлиб ўтган санъат асарлари кўргазмасида Зухра Облобердиева тиккан сўзана хиндистонлик профессор жаноб Нараяннинг эйтибюрага тушиб, унинг хонадонига ташриф буюради. Кейинчалик мамлакатимизда БМТнинг Тараққиёт дастури бўйича ҳаракатларнинг амалий ифодаси сифатида туманда Зухра Облобердиева бошчилигида Шифиркон каштачилик мактабига асос солинди.

Зухра опа шу пайтгача Ҳиндистон, Қозғистон, Россия кўргазмаларида фаол иштирок этди. Москва шаҳрида бўлиб ўтган намоён давомида Бельгия қироли ўзбек сўзаналарига, кашта намуналарига қизиқиш билдириб, қўлигул хунармандни ўз давлатида бўлиб ўтадиган кўргазмага таклиф этди.

Шундан сўнг Бельгиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёрдами билан Париж, Амстердам, Гаага, Брюссель, Бонн, Канны шаҳарларида Шифиркон кашталарини намоён этиб келди. Хунарманднинг “бигиздўзи”, “қарсдўзи” каби кашта услублари қаторида йўқолиш арафасида бўлган “долдўзи” услубини тиклаш борасидаги ҳаракатлари ватанпарварликнинг бир кўриниши, аслида. Унинг ўзи айтганидек, 4-авлод сифати-



да онасидан қолган бой меросни кунчиқар мамлакатга етказгани, айниқса, шарофли. “Онамнинг, буямнинг ишлари чет эллардаги музейларда сақланяпти”, дейди хунарманд.

МЕЗБОНЛАР ИЛТИФОТИ

Зухра опа тилидан:

— Еми хоним мени кўргазмага таклиф этишини уч ой аввал маълум қилди. Қизимнинг инглиз тилида раво гаплаша олишини билгани боис, уни гид сифатида қақирди. Японияда бизни илтифот билан кутиб олишди. Узоқ юртдан хунаримизни намоён этишга, маҳорат дарси ўтгани келганимизни эътироф этиб, керагидан-да ортиқ мулозamat кўрсатишди.

Кўргазма зали кичикроқ экан. Кашталар катта жойини банд этишини кўриб, кенгайтириб беришди. Кўргазмада фаолиятим акс этган барча расмлар катта монитorda намоён этиб турилди. Ҳар бир ишимга чирок нури тушиб тургани эса уларни янада сер-

жало кўрсатарди. Кўчага афиша илдинди. Ҳукумат вакиллари ҳам ташриф буюриб, меҳнатимизни юқори баҳолаганидан бошимиз кўкка етди.

Бир сўз билан айтганда, Япониядаги намоёнлигимиз ўзгача бўлди. Ажабланирлиси, қайсидадир ишинингизни эқтириб қолган киши ўша ишга исм-шарифини ёзиб қўяр экан. Яна тавозе билан “Шу маҳсулотингиз ёқиб қолди, сотиб олсам бўладим, рухсат берасизми?” дейишди.

Кўргазмадан кейин курьерлар исм-шарифлар ёзилган ишларни йиғиб, дўконларга олиб борди. Мижозлар уларни дўкондан сотиб олиб, пулини бизга банк орқали юборди. Бу, албатта, қўлай. Ҳар томонлама ҳавфсиз. Аэропорт, божинонада муаммо бўлмади. Бу борада кўп қийинчиликларга дуч келганимиз учун япон мижозларимиз тутган йўлни жуда маъқул билдик.

ОЛДИМИЗДАН ОҚҚАН СУВНИ ҲАМ ҚАДРЛАЙЛИК

Ўзбек каштачилиги бежиз дунё аҳли эътиборини тортмайди. Зеро, бу нафис санъатимиз илдижи жуда чуқур. Каштачиликнинг қадимдан мерос бўлиб келаётганини халқ ота-бизга ижодимиз намуналари ҳам тасдиқлайди, дostonларимизда алп йиғитларга ошиб бўлган сулув қизлар ўз қўллари билан уларга атаб кашта тиккани айтади.

Қадимда қизларимиз турмушга чиқишидан аввал ўзи учун сўзана тиккан, кашта келинларнинг сепи ҳисобланган. Бадавлатроқ оила қизлари шойи, бахмалга, ўртақол оилаларда эса қизлар малла, оқ бўзга кашта тиккан.

Шунингдек, Амир Темур саройида бўлган инсон элчис Рув Гонсалес де Клавихо ўз эсдаликларидан саройда кашта беэакларини томоша қилганини ёзган бўлса, Камолдин Беҳзод “Зафарнома” қўлёзмасига ишлаган “Темур тахтада” миниатюрасида каштали чодирин ҳам акс эттирган. Миллий руҳда тикланган сўзаналар, гиламлар, кийимларда қадриятларимиз авлоддан-авлодга ўтиб келаётгани кўринади. Бугун ҳам халқроқ кўргазмаларда, музейларда дунё аҳли хайратини ошираётган ўзбек сўзаналари, гиламлари ранг-баранглиги, сержиллиги билан ажралиб туради.

Бу каби ютуқларда фидойи хунармандларнинг хиссаси беқисс эканини эътироф этган ҳолда, Зухра Облобердиеванинг ўзи яшаётган Асбон қишлоғида каштачилик уй-музейи очиб, туризмни ривожлантиришдек эзгу ниятини қўллаб-қувватлаш керак бўлади.

Ёши саксонга қараб кетаётган Зухра опа манадан деган каштадўзалар билан беллашишга ҳамон тайёр. Зеро, унинг бу борадаги неча йиллик тажрибаси япониялик бир аёлни профессорлик даражасига етказди.

Муножат МҰМИНОВА,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири



GAZETADAGI MATERIALLARNI LOTIN EZZUVIGA ASOSLANGAN ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-KODNI SKANER ҚИЛИНГ.

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари тахририяти” ДМ
МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтариб бериб берилади.
Газетанинг тақризи берилиши учун обунани расмийлаштирган таъкилот жавобгар.
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жихатдан сифатли чоп этилишига “Колограм” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Аxbорot ва оmmавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. **Буюртма** — 816.
44909 нусхада босилди.
Ҳажми — 3 табоқ. **Офсет услуби**да босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нарҳда.

Навбатчи муҳаррир: Юнус Бўронов
Мусахҳх: Насиба Абдуллаева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев
Манзилими:
100060, Тошкент шаҳри,
Шахрисабз кўчаси, 85-уй